*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.
e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com.
web sayt: www.21asr.uz

**2013 йил 28 март, пайшанба, 12 (488)-сон**



2 ИСЛОҲОТ
Хиванинг «Меҳрибонлик шаҳарчаси»га — 12,9 миллиард



5 ҲУДУДЛАРДА
Етакчига яна ишонч билдирилди



7 КЎРГАЗМА
«Uzbekistan Industrial Forum — 2013»

## БУНЁДКОРЛИК



### ИСТИҚЛОЛДАН ИСТИҚБОЛГА ЮЗ ТУТГАН ҚОРОВУЛБОЗОР

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йилнинг 22 августида иш бошлаган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи йилига 2,5 млн. тоннадан зиёд нефть ва газ конденсатини қайта ишламоқда**

Ҳақиқатан ҳам, истиқлол йиллари ўзбек давлатчилиги тарихида мисли кўрилмаган улкан ишлар амалга оширилди. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси янгича кўрк ва тароват касб этиб, юзлаб янги маиший ва иқтисодий объектлар қад ростлади. Қоровулбозорнинг том маънодаги фахрига айланган ушбу мажмуа ҳам, шубҳасиз, истиқлол туфайли бунёд этилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, миллий иқтисодиётимизда алоҳида мавқега эга бўлган ушбу корхонада нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш натижасида автобензин, авиакеросин, дизель ёнилғиси, углеводород эритгичи, мазут, суюлтирилган газ, олтингугурт каби нодир маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилаяпти.

4 ►►

# Оқсаройда қабул

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 март куни Оқсаройда Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ерлан Идрисовни қабул қилди**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги очиқ ва самарали муносабатлар ҳамда кўп қиррали ҳамкорлик мамлакатларимиз ва халқларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига хизмат қилишини, анъанавий чуқур тарихий илдизларга асосланишини ва бугунги кунда барча асосий йўналишлар бўйича изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Қозоғистон ташқи ишлар вазири Президент Нурсултон Назарбоев номидан Ўзбекистон Президенти ва халқига эзгу тилаклар ва чуқур ҳурмат-эҳтиром изҳор этди.

Учрашувда мамлакатларимиз яқин қўшнилар ва вақт синовидан ўтган шериклар сифатида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдан, бир-бирининг ва бутун минтақанинг бардавом ривожланиши ва тараққиётидан бирдай манфаатдор экани қайд этилди.

Давлатлараро мунтазам мулоқотлар, икки томонлама ва халқаро аҳамиятга молик кенг кўламли масалалар юзасидан фикр алмашувлар ўзаро манфаатли ва самарали, ҳозирги босқичда стратегик шериклик даражасига кўтарилаётган ҳамкорликни янада равнақ топтиришга хизмат қилмоқда.

Томонлар БМТ, ШҲТ, МДҲ, Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси каби глобал ва минтақавий тузилмалар доирасида фаол ва самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўтган йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,75 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистон ва Қозоғистон минтақадаги энг йирик савдо шериклар сифатида ушбу ғоят муҳим соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор.

Учрашувда минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди.



# O`zLiDeP фаолияти янада такомиллаштирилиши лозим

**25-27 март кунлари O`zLiDeP ташаббуси билан «Партиявий фаолиятни янада такомиллаштириш борасидаги долзарб вазифалар» мавзуида уч кунлик ўқув-семинар бўлиб ўтди**

Унда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Конституциямизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилдаги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган партиявий вазифалар ижросини таъминлаш жараёнида партиянинг тузилмавий бўлинмалари ишини такомиллаштириш, фаолларнинг бу борадаги назарий ва амалий билимларини янада кучайтириш билан боғлиқ масалаларга қаратилди.

2 ►►

## ҚАРОР ВА ИЖРО

### ФЕРМЕРЛАР САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛИШИДАН МАНФААТДОРМИЗ

**Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан ташкил этилган ўқув-семинарларда 13 мингдан зиёд фермер иштирок этди**

Қишлоқ хўжалигини инновацион технологиялар ҳамда бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида модернизациялаш, хусусий мулкчилик шаклини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар соҳа вакиллари томонидан эришилаётган салмоқли натижаларда бирламчи омил бўлаётгани бежиз таъкидланмаяпти.

Айни пайтда республикамизда 66134 та фермер хўжалиги бўлиб, уларнинг 35896 таси пахтачилик ва ғаллачилик, 3647 таси сабзавот ва полизчилик, 16964 таси боғдорчилик ва узумчилик, 5329 таси чорвачиликка ихтисослашган. Шу билан бирга, 4 млн. 788 минг 184 та деҳқон хўжалиги (аҳоли ёрдамчи хўжаликлари билан бирга)нинг 41616 таси юридик мақомга эгадир.

3 ►►

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

**28 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси очилади. Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳақидаги ахбороти тингланди**

Сенат қўмиталарининг раислари қўмиталарда ўтказилган мажлислар ва ўн биринчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар юзасидан хулосалар ҳамда бошқа масалалар бўйича қарорларнинг лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, ялпи мажлис ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида 17 та масала, шу жумладан, 7 та қонун кўриб чиқилиши назарда тутилаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Кенгаш аъзолари Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»ни амалга ошириш мақсадида тайёрланган ҳамда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг муҳимлигини алоҳида қайд этдилар.

Бундай қонунлар жумласига «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Сеул, 2012 йил 20 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, бир қатор бошқа қонун-



лар киради.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатларига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

### ФАРҒОНА ХАЛҚАРО БИЗНЕС-ФОРУМГА ТАЙЁР

Мамлакатимизнинг энг тез ривожланаётган ҳудудларидан бири — Фарғонага **4-5 апрель кунлари 100 нафардан зиёд хорижий инвесторлар,** Европа давлатларининг йирик компания ва фирмалари вакилларининг ташрифи кутилмоқда.

Халқаро Бизнес-форум доирасида вилоят инвестициявий салоҳиятини янада юксалтириш, маҳаллий тадбиркорлар билан чет эллик ишбилармонлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, йирик қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинади.

Фарғона вилоят ҳокимлигидан олинган маълумотларга қараганда, Бизнес-форумда **Жанубий Корея, Италия, Бельгия, Туркия, Сингапур, Польша, Россия ва украиналик инвесторлар билан** манфаатли шартномалар имзоланиши кутилмоқда.

## ДЕПУТАТ МИНБАРИ

# Декларацияни электрон шаклда жўнатаверинг

**Шавкат ТЕШАЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси



**Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинган аксарият қонунларда O`zLiDeP электорати бўлган тадбиркор ва ишбилармонлар учун қўшимча қулайликлар яратиш назарда тутилган**

«Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам ана шундай қонунлардан бўлиб, ушбу муҳим ҳужжат Президентимизнинг «Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Шу ўринда янги қонунга биноан товарларни божхона назоратидан ўтказишда электрон ва оғзаки шаклда дастлабки декларациялаш тизими жорий этилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу муносабат билан Божхона кодексининг 90-моддаси электрон ва оғзаки шаклда декларациялаш ҳуқуқини берувчи янги норма билан тўлдирилмоқда.

Маълумки, амалдаги кодексда декларациялаш жараёни товарлар ва транспорт воситалари, улар жойлаштириладиган божхона режимлари ҳақидаги аниқ маълумотларни белгиланган шаклда баён этиш орқали амалга оширилиши кўрсатилган.

2 ►►

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 26 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | | |
|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▲ | 2130,97 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▲ | 3109,57 |
| 1 Дания кронаси | ▲ | 356,95 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ | 555,30 |
| 1 АҚШ доллари | ▲ | 2039,60 |
| 1 Миср фунти | ▲ | 300,03 |
| 1 Исландия кронаси | ▲ | 16,61 |
| 1 Канада доллари | ▲ | 1994,52 |
| 1 Хитой юани | ▲ | 328,42 |
| 1 Малайзия ринггити | ▲ | 659,85 |
| 1 Польша злотийси | ▼ | 638,33 |
| 1 СДР | ▲ | 3067,84 |
| 1 Туркия лираси | ▲ | 1126,29 |
| 1 Швейцария франки | ▲ | 2172,79 |
| 1 ЕВРО | ▼ | 2634,09 |
| 10 Жанубий Корея вони | ▼ | 18,34 |
| 10 Япония иенаси | ▲ | 215,15 |
| 1 Россия рубли | ▼ | 65,94 |
| 1 Украина гривнаси | ▲ | 255,17 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

# Масъулият

## O`zLiDeP фаолияти янада такомиллаштирилиши лозим

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Ўз мухбиримиз



O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев маърузасида таъкидланганидек, бугунги туб ислоҳотлар Ўзбекистон тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олган партия ва унинг қуйи бўғинлари олдига сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиш, ўз электорати манфаати ва хоҳиш-истакларини қонуний ифода этишга кўмаклашиш, аҳолининг сиёсий маданиятини ошириш, демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, мамлакатда ўрта синф вакилларини ишончли ҳимоя қилиш орқали фаровонликни янада юксалтириш вазифасини қўймоқда. Маълумки, 2012 йилда ҳам Ўзбекистонда юқори ўсиш суръатлари, макроиқтисодий мутаносиблик, аҳоли турмуш даражасининг барқарор юксалиши таъминланди. Ўзбекистоннинг дунё бозоридаги ўрни ва мавқеи янада мустаҳкамланди. Бу, шубҳасиз, Юртбошимиз томонидан пухта ўйланган ва узоқни кўзлаб олиб борилган иқтисодий сиёсат самарасидир.

Маърузачи «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти хусусида тўхталаркан, унда асосий эътибор мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли турмуш фаровонлигини босқичма-босқич ошириб бориш каби долзарб вазифаларга қаратилганини таъкидлади.

Мажлисда «Обод турмуш йили»да O`zLiDePнинг дастурий режалари хусусида ҳам атрофлича фикр юритилиб, улар ижросини таъминлаш партия фаолларининг асосий бурчи эканлиги таъкидланди. Бу жараёнда, шубҳасиз, партиявий лойиҳалар ижроси ниҳоятда муҳимдир. Дарҳақиқат, жорий йилда «Фермерлик ҳаракати – ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий куч», «Мулкдор оила», «Ҳудудларни комплекс ривожлантириш», «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага», «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Диплом билан — бизнесга» каби партиявий лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки улар мамлакат аграр тармоғини барқарор ва самарали ривожлантириш, фермер хўжаликлари мавқеини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай бизнес муҳитини шакллантириш, ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишда ўзига хос имконият яратмоқда.

O`zLiDePнинг вакиллик ҳокимияти органларидаги депутатлик корпуси эса бу жараёнда стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган инвестицион лойиҳаларни босқичма-босқич амалга ошириш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолатларини чуқур ўрганиш, бозор муносабатларини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратмоқда.

— Ҳа, чиндан ҳам 175 мингдан зиёд аъзоси бўлган O`zLiDeP ислоҳотлар моҳиятини, бу борада зиммасидаги масъулиятни теран ҳис этмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Атҳам Шодмонов. — Бу семинар эса Давлат дастури ижроси жараёнидаги вазифаларни яна бир бор кўриб чиқиш, 2012 йилдаги натижалар, йўл қўйилган хатоларни таҳлил этиш имконини берди. Шу ўринда 300 га яқин партия фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари иштирок этган ўқув-семинарда, шунингдек, Ҳисоб палатаси билан ҳамкорликда Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағларидан оқилона фойдаланиш, ушбу соҳага оид қарорлар ижроси бўйича давлат ва хўжалик тузилмалари масъулиятини кучайтиришга бағишланган давра суҳбати ҳам ўтказилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси бош инспектори Шуҳрат Абдуллаев сўзга чиқиб, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий тараққиёти кўп жиҳатдан унинг бюджет тизимини шакллантириш, аниқ ва мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатишга боғлиқ эканини таъкидлади. Ана шу нуқтаи назардан ҳам юртимиз иқтисодиётининг йил сайин юксалиб боришида мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзига хос бюджет сиёсати ва унинг параметрларини ҳаётга самарали татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни амалга оширувчи Ҳисоб палатасининг ўрни ҳам тобора ошиб бормоқда.

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭНГ ТАЪСИРЧАН ИНСТИТУТИ СИФАТИДА ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОИЙ, ИҚТИСОДИЙ, ГУМАНИТАР МУАММОЛАРИНИ САМАРАЛИ ҲАЛ ЭТИШГА ҚОДИР БЎЛГАН МАҲАЛЛА БИЛАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР.**

Маълумки, палатага марказда ва жойларда бюджет маблағларидан қонуний, мақсадли фойдаланишни назорат қилиш, қонунбузарлик ҳамда суиистеъмолликларнинг олдини олиш чораларини кўриш каби қатор вазифалар юклатилган. Хусусан, Ҳисоб палатаси томонидан ҳар йили O`zLiDeP фаолияти ҳам ўрганилиб, партиянинг молиявий фаолияти юзасидан тегишли хулосалар тайёрланмоқда. Ана шу назорат-тадбирлари натижаларидан келиб чиқиб, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ўз молиявий фаолиятининг келгуси стратегиясини белгилаб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўраяпти.

Ушбу давра суҳбатида ҳам бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, партиявий лойиҳалар, турли тарғибот тадбирларини ўтказишга ажратилаётган маблағларни мақсадли йўналтириш борасида тавсиялар берилди. O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, барча даражадаги ҳудудий кенгашлар вакиллари, Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги ва Солиқ қўмитаси ходимлари иштирок этган тадбирда амалдаги қонунчиликнинг амалий ижроси юзасидан ҳам ахборотлар берилди.

Амалий семинар доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан ҳамкорликда «Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, маҳалланинг хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги ўрнини оширишга йўналтирилган ишларда O`zLiDePнинг амалий вазифалари» мавзуидаги тадбир ҳам ташкил этилди.

Анжуман иштирокчиларининг фикрича, мамлакатимизда амалга оширилаётган модернизация ва жамиятни янада демократлаштириш жараёнлари сиёсий партиялар олдига бир қатор муҳим вазифаларни қўймоқда. Эндиликда партиялар нафақат жамоатчилик назоратини ўрнатувчи, балки жойлардаги ислоҳотлар самарасига таъсир кўрсатувчи, уларнинг муваффақиятли амалга оширилишига масъул бўлган муҳим жамоат ташкилотига айланиб бормоқда. Табиийки, бу жараён сиёсий партиялар олдига турли жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини ўрнатишдек муҳим вазифани қўяди.

Ана шу нуқтаи назардан ҳам O`zLiDeP фаолиятининг дастлабки йиллариданоқ маҳаллани оилавий бизнес марказига айлантириш борасида қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда. Партия фаолларининг таъкидлашича, фуқаролик жамиятининг энг таъсирчан институти сифатида шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, гуманитар муаммоларини самарали ҳал этишга қодир бўлган маҳалла билан сиёсий партиялар ҳамкорлигини янада кучайтириш зарур. Чунки бугун шарқона демократиянинг ноёб кўриниши сифатида маҳалланинг ҳуқуқлари кенгайиб, мавқеи янада ошиб, моддий базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ва «Фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар бу борадаги ишларни фаоллаштиришга кўмак беради.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳи вакиллари, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИҲ, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Тадбиркор аёл уюшмаси» аъзолари иштирок этган тадбирда ана шу икки муҳим қонуннинг аҳамияти борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ушбу қонунларни тайёрлаш жараёнидаги O`zLiDeP фракциясининг иштироки юзасидан ахборотлар берилди.

Шу ўринда уч кун давомида, қизиқарли баҳс ва мунозаралар асосида ўтган семинар икки босқичда, яъни интерфаол ва технологик усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказилганини, хусусан, партия қурилишининг янги босқичдаги барча тузилмавий бўлинмалари амалий фаолиятига оид масалалар кўриб чиқилганини айтиш мумкин. Булар – аёллар ва ёшлар билан ишлаш борасидаги устувор йўналишлар, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобдорликни такомиллаштириш, партиянинг кадрларга доир дастурининг амалий ижроси, электрон ҳужжат алмашинувини жорий этиш, жойлардаги партия гуруҳлари фаоллигини ошириш ва ҳудудларни ижтимоий ривожлантиришда уларнинг иштирокини кенгайтириш масалаларидир. БПТлар фаолиятини такомиллаштириш, партия ҳудудий бўлинмаларида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган талабларга мувофиқ ҳолда расмийлаштириш, Сиёсий таълим маркази, жойлардаги партия матбуот марказлари иш самарадорлигини ошириш ҳам биринчи навбатдаги вазифалар экани семинарда алоҳида таъкидланди.

Иккинчи куни иштирокчилар етти гуруҳга бўлиниб, муҳим партиявий-сиёсий ишлар юзасидан ўзаро фикрлашдилар ва навбатдаги долзарб вазифаларни ижро этиш, электорат аъзоларининг сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш юзасидан бир қатор конструктив таклифларни ўртага ташладилар. Жумладан, мафкуравий ишларни йўлга қўйиш, партиянинг ёшлар ва аёлларга оид сиёсатини амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини кенгайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари мониторингини ўтказишнинг амалий жиҳатлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Семинар жараёнида иштирокчиларга махсус ўқув-услубий, шунингдек, электрон ҳужжат алмашинувининг дастурий материаллари ҳам тақдим этилди.

## Миллий матбуотни ривожлантириш истиқболлари

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда «Ислоҳотлар замирида миллий оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш» мувзуида давра суҳбати ўтказди.

Ахборот соҳасини либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, миллий матбуотни ривожлантиришга қаратилган масалаларни муҳокама қилиш ҳамда мамлакатимиз медиа бозорини янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилган тадбирда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган бир қатор қонунлар миллий матбуот учун кенг имкониятлар яратгани таъкидланди.

Тадбирда ахборот соҳасини такомиллаштириш йўналишидаги лойиҳалар учун 2013 йилда ажратилиши кўзда тутилган грантлар ҳақида маълумотлар берилди. Шу тариқа ОАВ вакиллари тегишли институтлар томонидан журналистлар ҳамда ахборот хизматлари ходимлари ижодий кўникмаларини ривожлантириш ва малакасини ошириш мақсадида ташкил этиладиган семинар-тренинглар ва маҳорат дарслари борасида хабардор қилиндилар.

Аҳамиятлиси, анжуман давомида медиа соҳанинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини ўрганиш, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, жумладан, босма ОАВ фаолияти ҳамда миллий журналистиканинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида даврий нашрлар бош муҳаррирлари ўртасида эскпертлар сўровномаси ўтказилди ва ана шундай тадбирларнинг бошқа ҳудудларда ҳам ўтгани таъкидланди.

Давра суҳбати давомида ўзаро фикр алмашган иштирокчилар миллий матбуот фаолиятини такомиллаштириш бўйича ўзларининг бир қатор таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Хусусан, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев журналистлар малакасини ошириш, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори ўринбосари Р.Сафоев полиграфия корхоналари инфратузилмасини такомиллаштириш масалалари, ЎзМУ журналистика факультети доценти вазифасини бажарувчи Н.Муратова эса босма нашр веб-версиялари фаолияти бўйича ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

## Декларацияни электрон шаклда жўнатаверинг

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

Аммо декларация айнан қайси шаклда тўлдирилиши ва тақдим этилиши аниқ белгиланмаган. Янги қонун лойиҳаси айнан ана шундай ноаниқликни бартараф этиш баробарида декларацияни электрон ва оғзаки шаклда тузиш ҳамда божхона постига жўнатиш учун ҳам ҳуқуқий асос яратади.

Божхона органларида электрон декларациялаш тизимининг жорий этилиши айниқса ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчилар учун қўшимча қулайликлар яратади. Чунки божхона юк декларациясини расмийлаштириш учун интернет тармоғи орқали электрон шаклда божхона постларига юборилиши, ўз навбатида, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг ҳам вақтини, ҳам маблагини тежайди. Бир сўз билан айтганда, декларацияларни электрон тарзда тақдим этиш механизмининг амалиётда қўлланилиши божхона органлари фаолиятини жаҳон андозалари даражасига кўтариш баробарида ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнини соддалаштиради ҳам.

Кези келганда, божхона органларида янги тартибни қўллаш учун барча имкониятлар яратилгани, хусусан, ягона электрон ахборот тизими мавжудлиги, республикамиздаги барча ташқи иқтисодий фаолият ва чегара-божхона постлари ушбу тизимга уланганини таъкидлаш жоиз. Яъни, Давлат божхона қўмитасида ўрнатилган сервер нафақат ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан интернет орқали юборилган маълумотларни қабул қилиш, балки уларнинг ахборот хавфсизлигини ҳам таъминлайди.

Шу ўринда мазкур қонун лойиҳасига кўра, амалдаги Божхона кодексидаги «Дастлабки божхона декларацияси» деб номланувчи 96-моддани ўз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда «Муваққат ва тўлиқ бўлмаган божхона декларацияси» номи остида янги таҳрирда баён этиш таклиф этилаётганини таъкидлаш лозим.

Бундан кўзда тутилган асосий мақсад Президентимиз фармонида қайд этилганидек, тадбиркорларга божхона расмийлаштирувини амалга оширишда янада қулайлик яратиш, айниқса, узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнида зарур бўлган хом ашёларни четдан келтиришда божхона расмийлаштирувини енгиллаштириш ва тезлаштиришдан иборатдир. Бошқача айтганда, эндиликда товар мамлакатимиз ҳудудига кириб келмасдан аввал ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси томонидан божхона постига электрон кўринишда юборилган бирламчи ҳужжатларга асосан божхона расмийлаштирувини амалга ошириш мумкин.

Бундан ташқари ушбу қонун лойиҳаси ўз маъно-мазмунига кўра, иқтисодиётни либераллаштириш йўналишида илгари сурилаётган ғоя ва ташаббусларга тўла мос келади. Зеро, O`zLiDeP Дастурида белгилаб қўйилганидек, тадбиркор ва ишбилармонларнинг янада кенгроқ фаолият юритиши учун янги-янги имкониятлар яратиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг ушбу табақаси манфаатларини ишончли ҳимоялаш бугунги кундаги энг муҳим вазифалар сирасига киради.

# ХАБАРЛАР

## Фонд маҳорат дарсларига киришди



Бугун Тошкентда Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан 4 та сиёсий партия нашларининг етакчи журналистлари иштирокида ёш журналистлар учун маҳорат дарслари ўтказилади.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда ахборот ва телекоммуникация соҳаларининг ривожланиши натижасида ОАВ сони сезиларли даражада ошди. Бу эса, табиийки, олий ўқув юртлари ва бошқа тегишли муассасалар зиммасига босма ва электрон оммавий ахборот воситаларини тегишли йўналишдаги кадрлар билан таъминлаш, шунингдек, мавжуд кадрлар малакасини оширишни тақозо этади.

Фонд директори А.Абдуллаевнинг таъкидлашича, мастер-класслар юқорида айтилган масалалар ечимини топиш, жумладан, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган босма ОАВнинг кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилмоқда. 25-30 март кунлари оралиғида ўтадиган дастлабки тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ОАВда ижод қилаётган умидли журналистлар республикамизнинг етакчи таҳририятларида малака оширадилар.

Режага мувофиқ, тадбир давомида етакчи нашрлар вакиллари ёш ҳамкасбларини ўзлари иш олиб бораётган таҳририят фаолияти билан таништиришдан ташқари уларга газетанинг ўзига хос хусусиятлари ва ихтисослашуви ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берадилар.

Мастер-класслар давомида ёш журналистларнинг нашрлар фаолиятини яхшилаш, рейтингини ошириш бўйича мулоҳазаларини эшитиш кутилаётгани маҳорат дарсларининг қизғин кечишидан далолат бермоқда.

## Хиванинг «Меҳрибонлик шаҳарчаси»га — 12,9 миллиард

Президентимизнинг 2012 йил 21 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги қарорига асосан Хива туманида 144 ўринга мўлжалланган «Болалар меҳрибонлик шаҳарчаси» қуриш режалаштирилмоқда.

Хива-Урганч йўли бўйида қад ростлайдиган бу объектнинг умумий қиймати 12,9 миллиард сўм бўлиб, лойиҳа республика бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Хоразм вилояти ҳокимлиги ахборот хизматидан хабар қилинишича, режага мувофиқ 2014 йил 1 декабрда фойдаланишга топшириладиган «Болалар меҳрибонлик шаҳарчаси»да жорий йилнинг ўзида 7,6 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади.

Жами 9,8 гектар майдонни эгаллайдиган шаҳарчада барча шароитларга эга бўлган ва ҳар бири 8 нафар тарбияланувчини ўз бағрига оладиган 18 та уй бунёд этилади. Шунингдек, объект ҳудудида спорт зали, ёпиқ сув ҳавзаси, спорт майдончаси, маъмурий ва хўжалик биноларини барпо этиш кўзда тутилган.

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ тайёрлади.**

«XXI ASR»
2013 йил 28 март, пайшанба,
12 (488)-сон

# Фермерлар салоҳияти юксалишидан манфаатдормиз

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Абулфайз САЙИДАСКАРОВ,**
**Шухрат РАҲИМОВ,**
«XXI asr»





Соҳа мутахассислари мамлакатда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90 фоиздан зиёди ана шу субъектлар ҳиссасига тўғри келаётганини эътироф этмоқдалар.

Зеро, юртимизда фермерликни ривожлантиришга қаратилган, унинг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини кафолатловчи қонун ва қонуности ҳужжатлари асосида самарали фаолият кўрсатиш учун етарли ҳуқуқий асос ва қулай муҳит яратилган. Айниқса, Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони соҳа фаолиятини бутунлай янги босқичга кўтариш имконини берди. Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар эса фермерларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимларини янада ошириш масаласини ҳам кун тартибига қўйдики, бу барча мутасадди ташкилотлар қатори фермерларни асосий электорати ҳисоблаётган O`zLiDePнинг ҳам бу борадаги ишларни янада кучайтиришини тақозо эта бошлади.

Кези келганда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан O`zLiDeP бевосита манфаатдор эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки партия Дастурида «Ўзбекистон Либерал-демократик партияси умуммиллий сиёсий ташкилот сифатида мулкдорлар қатлами, кичик бизнес, фермерлик ва деҳқон хўжаликлари вакиллари, ишлаб чиқаришнинг юқори малакали мутахассислари ва бошқарув ходимлари, ишбилармонлар манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади» дея белгилаб олинган. Қолаверса партия давлатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган ислоҳотларини, фермер ва деҳқон хўжаликларининг ривожлантирилишини қўллаб-қувватлайди ҳамда бу ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этиши қайд этилган.

Шу ўринда фермерларнинг билим ва малакаларини ошириш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, сиёсий маданиятини юксалтириш эркин фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаш жоиз.

Шу боис юқорида зикр этилган Президент фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 27 августдаги «Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II босқич» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги томонидан «Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини ўқитиш ва уларга консультатив хизматлар кўрсатиш» компоненти доирасида танлов эълон қилинган эди. Унда O`zLiDeP муассислигидаги Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ҳам иштирок этиб, фермерларни ўқитиш учун муносиб, деб топилди. Мазкур лойиҳа шартига мувофиқ, жорий йилнинг 25 февралидан 17 мартигача Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида 7 та йўналиш бўйича жами 13650 нафар деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари учун семинар-машғулотлар ўтказилди.

Уларда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини кучайтириш, самарали бошқарув тизимини ташкил этиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни автоматлаштириш, интернет тармоғидан фойдаланиш, чорвачилик, наслчилик ва зооветеринария хизматларини ривожлантириш, чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, ғўза ва ғалла экинлари учун агротехник тадбирлар, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва суғоришнинг янги усулларини амалиётга татбиқ этиш йўналишларида фермер ва деҳқонларга амалий билимлар берилиб, ўзаро тажриба алмашилди.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон пахтачилик, Қашқадарё бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги, «Шредер» номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтлари, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий ассоциацияси, Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, Тошкент Давлат аграр университети, Андижон қишлоқ хўжалиги институти, шунингдек, бошқа нуфузли илмий-тадқиқот муассасаларининг етук олим ҳамда мутахассислари ушбу семинарларга жалб этилгани лойиҳадан кўзда тутилган мақсадларга тўла мос келди.

Энг муҳими, Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан аниқ режа асосида ўтказилган машғулотларнинг илмий аҳамияти ҳам тадбир мазмунини бойитди.

Шу ўринда ушбу семинарлар замонавий техника ва мультимедиа воситалари билан жиҳозланган қишлоқ хўжалиги, агросаноат, иқтисодиёт, транспорт, саноат, сервис хизмати кўрсатиш, гидромелиорация, енгил саноат, педагогика, қурилиш касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда – жами 30 та ўрта махсус билим даргоҳи ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги бошқарув кадрлари малакасини ошириш ва қайта ишлаш ўқув марказида ўтказилганини айтиш мумкин.

Жумладан, Бухоро вилоятида Қоракўл саноат ва транспорт коллежида – Олот, Жондор ва Қоракўл туманлари фермерлари, Галлаосиё қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида – Ромитан, Бухоро, Когон ва қоровулбозорлик фермерлар, Вобкент қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида эса Шофиркон, Ғиждувон, Пешку ҳамда вобкентлик қишлоқ мулкдорлари билим ва малакаларини оширдилар.

Қишлоқ хўжалик фанлари номзодлари – Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд филиали директори ўринбосари Ўрмонбек Мирзоҳидов, Андижон қишлоқ хўжалик институти мелиорация кафедраси мудири Анвар Исашов ва бошқа олим ҳамда тажрибали мутахассисларнинг маърузалари барчада катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, мультимедиа воситалари ҳамда слайдлардан фойдаланилгани машғулотларнинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

— Семинарлар давомида ўз иш фаолиятимда қўллаш мумкин бўлган жуда кўп маълумотлар, тегишли маслаҳат ҳамда йўл-йўриқлар олдим, — дейди Бухоро туманидаги «Заринабону Моҳигулбегим» фермер хўжалиги раҳбари Муборак Вақоева. — Ушбу ўқувлар якунида илмий рисола ва бошқа материаллар тарқатилгани жуда маъқул келди. Ўтган 2012 йилда пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга, ғалла ҳосилдорлигини эса 50 центнерга етказгандик. Айни пайтда янада юксакроқ марраларни кўзлаб меҳнат қилаяпмиз.

Қашқадарё вилоятининг Касби иқтисодиёт коллежи, Бешкент қишлоқ хўжалиги, Ғузор қурилиш ва Чироқчи транспорт касб-ҳунар коллежларида ташкил этилган семинарларда 3000 нафарга яқин фермер ва мутахассис иштирок этди.

— Ўқув-семинарлар ҳақиқатан ҳам биз учун ниҳоятда унумли бўлди, — дейди Касби туманидаги «Юрт ризқи» наслчилик МЧЖ раиси Нарсулло Худойбердиев. — Жамиятимиз 50 гектар ерда озуқабоп экинлар – кунгабоқар, шакарқамиш, оқ жўхори, беда, тритикали, арпа, сули ва нўхат уруғларини етиштириб, фермер хўжаликларига сотиш билан шуғулланади. Семинарда бу борада ҳам ўзаро тажриба алмашдик.

— Мазкур ўқувлар фермер ва деҳқонлар зиммасидаги масъулиятни янада ошириш билан бирга, уларни қўллаб-қувватлаш учун мавжуд шароитларни янада яхшилаш, сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги билим ва малакаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди, — дейди вилоят Фермерлар кенгаши раиси Бахтиёр Сафаров. — Ҳеч шубҳасиз, қатнашчилар тадбирда олган билимларини амалда қўллаб, янада юқорироқ натижаларга эришадилар.

— Семинар жараёнида тажрибали деҳқонлар, таниқли олим ва малакали мутахассислар билан яқиндан мулоқотда бўлдик, — дейди қамашилик фермер Нуриддин Жумаев. — Шахсан мен шунга амин бўлдимки, бугунги фермер нафақат деҳқончилик маданияти, балки қишлоқ хўжалиги борасидаги илм-фан ютуқларидан хабардор бўлиши, замонавий ишлаб чиқарувчи сифатида ҳам фаолиятини кенгайтириши кераклигини замоннинг ўзи талаб этмоқда. Боғдорчилик ва узумчиликни интенсив мевали боғлар яратиш эвазига янада ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш ва сифатини яхшилаш, пахта ва ғаллачиликда агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувдан оқилона фойдаланиш усуллари, томчилатиб суғориш технологияларини татбиқ этиш борасидаги қимматли фикрлар кўпчилигимиз учун янгилик бўлди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги фермер учун ҳар томонлама кўмак берилаяпти. Энг муҳими, бу бўйича аграр соҳада мукаммал тизим яратилди. Ҳукумат томонидан кўрсатилаётган ёрдам, молиявий муассасалар, нефть, ўғит билан таъминлаш ана шу тизимнинг ажралмас қисмидир. Шундай юқори эътиборга малака оширишга қаратилган тадбирлар қўшилгани муваффақиятлар салмоғини янада ошириши шубҳасиздир. O`zLiDeP эса бу жараёнда фаол иштирок этиб, қишлоқ мулкдорларининг билим ва малакасини ошириш, ислоҳотлар жараёнида фермерларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ҳисса қўшмоқда. Бу, шубҳасиз, аграр соҳада ислоҳотлар самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилади.

## Хабарлар

### 3 ТРИЛЛИОН — ЧЕГАРА ЭМАС

Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ва истиқболдаги режалар юзасидан ахборот берилди.

Тадбирда таъкидланганидек, уюшма таркибидаги 150 дан зиёд озиқ-овқат саноати корхонаси томонидан ўтган йили 3 триллион сўмлик сут, гўшт, ёғ, қандолат, мева-сабзавот консервалари ва бошқа мингдан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 2011 йилга нисбатан 8-10 фоизни ташкил этган. Анжуманда, шунингдек, жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 106,6 миллиард сўмлик инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши натижасида 138 минг тонналик қўшимча қувватлар ишга туширилиб, 3200 га яқин иш ўрни яратиш режалаштирилгани маълум қилинди.

**Равшан ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

### ТАДБИРКОРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

O`zLiDeP Наманган вилоят кенгашининг «Аёллар қаноти» ташаббуси билан вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида ўтказилган тадбир шундай номланди.

Тадбиркорликка иштиёқи баланд 76 нафар фаол хотин-қизлар иштирок этган давра суҳбатида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг асосий жиҳатлари, хусусан, унинг иқтисодий, ижтимоий аҳамияти, оилавий тадбиркорлик учун имтиёзлар ҳақида ҳам кенг тушунчалар берилди.

**Ахрoржон МУСУРМОНОВ.**

# «Пўлатдархон»нинг шаҳардан фарқи қолмади

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ОҚДАРЁ ТУМАНИДА «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИ КЎРИБ АНА ШУНДАЙ ХУЛОСА ЧИҚАРИШ МУМКИН

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»

Маълумки, истиқлолнинг илк йиллариданоқ давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизга хос эзгу анъаналар қайта тикланиб, қишлоқ ва шаҳарларни ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда юртимизнинг қай бир гўшасида бўлманг замонавий, қулай ва кўркам турар-жойлар, мактаб ва коллежлар, қишлоқ врачлик пунктлари, маданият ва спорт кошоналари, боғ-роғлар, равон йўл ва кўприклар бунёд этилаётганини кўрасиз.

Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида ҳам «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида изчил ва босқичма-босқич ислоҳотларни янги, янада юқори поғонага кўтариш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик. Жумладан, намунавий лойиҳалар асосида қурилган замонавий уйлар ҳар қандай киши диққатини тортади. Агар рақамларни таҳлил қилсак, кейинги тўрт йилда туманнинг Қирқдархон, Қўшёғоч ва Мевазор массивларида жами 433 та ҳовли-жой бунёд этилгани аён бўлади

— Собиқ иттифоқ даврида шаҳар ва қишлоқлардаги қурилишлар маҳаллий ва табиий шарт-шароит ҳисобга олинмай амалга оширилар, айниқса, якка тартибда уй-жой қуришда ҳар кимнинг ўзича ёндашуви ердан самарасиз фойдаланишга, аҳоли яшаш масканларининг қиёфасига салбий таъсир кўрсатар эди, — дейди «Қоратери» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Фурқат Аҳмедов. — Истиқлолга эришганимиздан буён қишлоқларни табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, замонавий таълим, тиббиёт, маданият муассасаларини барпо этиш, маиший хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш масалаларида беқиёс ишлар олиб борилди.

Биргина мисол. Бугун Оқдарё ва Қорадарё оралиғида «Пўлатдархон» маҳалласининг барпо этилиши натижасида 160 та оила замонавий уйларга кўчиб ўтди. Хонадонларга табиий газ, электр, ичимлик сув ўтказилди. Маҳалла идораси, профилактика инспектори маскани, оталар чойхонаси, болалар майдончасини ўз ичига олган гузар, дўконлар ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларидан иборат савдо мажмуи ишга туширилди. Бундан ташқари, қишлоқ врачлик пункти ва мактаб қурилиши ҳам ниҳоясига етказилди.

— Илгари пастқам ва пала-партиш уйларда яшаб юраверган эканмиз, — дея сўзини давом эттирди суҳбатдошимиз. — Президентимиз ташаббуси билан қурилган янги уйларни кўргач, бу ерда яратилган қулайликлардан бошимиз осмонга етди. Юртбошимизнинг инсон ҳаётга бир марта келади, шундай экан, умрини ҳар жиҳатдан муносиб тарзда ўтказиши керак, деган сўзларининг тасдиғини ўз ҳаётимиз мисолида кўряпмиз.

Фурқат аканинг сўзларига қулоқ тутиб, янги маҳаллада яратилган шароитлар шаҳар ва қишлоқ ўртасида деярли фарқ қолдирмаётганига амин бўлдик. Ҳақиқатан ҳам, бугунги «Пўлатдархон»ни қишлоқ, дея аташ бироз ўнғайсизроқ туюлади. Чунки бир чизиққа бир хил оралиқ ўлчамда ўтказилган арча ва каштанлар, ям-яшил майсаларга сув пуркаётган миттигина фавворалари бор жойни, худди йирик шаҳарлардаги уйлардек жўмракни бурасангиз, иссиқ ва совуқ сув чиқиб турган хонадонлардан иборат ҳудудни «қишлоқ» деб аташ мумкинми?

— «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар шахсий уй-жойлар билан чекланиб қолаётгани йўқ, — дейди туман ҳокими Нурали Бердибоев. — Масалан, «Самфуқаролойиҳа» МЧЖ мутахассисларининг меъморий ечими бўйича бунёд этилаётган Болалар ва ўсмирлар кўптармоқли спорт мактаби қурилиши учун Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бюджетдан ташқари жамғармасидан 1,436 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Шу ўринда ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи юксак марраларга етишишнинг асосий омилларидан бири бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй хўжалигини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ёш оилаларга тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида кредитлар ажратилаётир. Бундай молиявий кўмак янги авлод вакилларининг мустақил ҳаётга қадам қўйишлари, бизнес фаолиятини бошлаши, барқарор даромад манбаига эга бўлиши, уй-жой ва маиший шароитларни яхшилашлари учун амалий рағбат бўлмоқда.

Бошқача айтганда, эндиликда юртдошларимиз «қишлоққа шуям бўлаверади» деган эскича қарашлар билан муроса қилмайдиган бўлдилар. Бугун янги уй-жойлар, ижтимоий-маданий, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотларини пухта ишлаб чиқилган бош режа, замонавий меъморлик лойиҳалари асосида қуриш, туман маркази «Лойиш» шаҳарчасининг кўча ва майдонларини ободонлаштириш юзасидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Оқдарёда бўлганимизда қишлоқда етакчи кучга айланган фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик тузилмалари фаолияти билан ҳам яқиндан танишдик. Хусусан, чорвачилик-деҳқончилик йўналишига ихтисослашган «Мирзаева Истамхон» фермер хўжалиги заҳматкашлари 35 бош зотдор қорамолнинг ҳар биридан бир тоннагача гўшт етиштириш баробарида 30 сотихлик ташландиқ ерни тошдан тозалаб, замонавий иссиқхона барпо этибдилар.

«Дархонагро» фермер хўжалиги раҳбари Содиқжон Мустафоев эса «Асакабанк»нинг 350 миллион сўм миқдоридаги кредити эвазига 1 гектар майдонда замонавий иссиқхона ташкил қилиб, «энэк» номли помидор ва «мультстар» номли ҳосилдор бодринг навларидан экибди.

— Нафақат тумандаги савдо дўконлари, балки вилоят марказидаги йирик супермаркетларга ҳам кунига 500 килограммдан 1 тоннагача сара маҳсулот етказиб бераяпмиз, — дейди С.Мустафоев. — Лекин фаолиятимиз шу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Яқин кунларда 20 минг бош товуқ боқиладиган паррандачилик фермасини ишга туширамиз.

«Муштарий Оқдарё» фермер хўжалиги етакчиси Фахриддин Давроновни маҳаллий аҳоли нафақат уста боғбон, балки соҳада замонавий усулларни қўллаётган инсон сифатида ҳам ҳурмат қилишаркан. Бунинг боиси бор, албатта. Олма, гилос ва шафтоли ниҳоллари қадалган 21 гектарлик интенсив боғнинг ҳар гектаридан 10-15 тоннагача ҳосил олган боғбон бу йил мазкур кўрсаткични 35 тоннага етказишни чамалаб турибди. Унинг фикрича, интенсив боғ учинчи йили 80 тоннагача ҳосил беради. Шунинг учун ҳам 2012 йил якунлари бўйича 1 миллиард сўм атрофида даромад олган фермер 500 тоннагача маҳсулот сақлайдиган музлатгич қуришга киришибди.

Фахриддин Даврововнинг интенсив боғдорчилик билан шуғулланаётган бошқа ҳамкасбларидан фарқи шундаки, у Польшадан келтирилган пайвандтаглар асосида маҳаллий шароитда кўчат етиштиришни йўлга қўйган. Агар туман бўйича аҳолига бу йил 6,3 минг туп мевали дарахт кўчатлари тарқатилган бўлса, унинг аксарияти «Муштарий Оқдарё» фермер хўжалигида етиштирилган, десак муболаға бўлмайди.

Оқдарёдаги тадбиркорлик тузилмаларидан бири, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Ост-Фуд» Ўзбекистон-Лихтенштейн қўшма корхонасида меҳнат қилаётган 20 кишининг чиқиндидан тоза маҳсулот олаётгани ҳам эътиборимизни тортди. Гап шундаки, ишбилармонлик натижасида пахта тозалаш заводлари чиқиндисини ювиш, пишириш ва қайта ишлаш орқали янги маҳсулот – тиббиёт ватаси тайёрланиб, дорихоналарга етказиб берилаяпти. МЧЖ мутасаддиларининг айтишича, корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошласа, яна 15 та янги иш ўрни яратилади.

Хуллас, Оқдарёнинг оққўнгил одамлари билан икки кунлик ижодий сафар қандай ўтганини ҳам сезмай қолдик. Энг муҳими, улар юзида самимият уфуриб, ўткир нигоҳларида келажакка бўлган қатъий ишонч порлаб турибди. Амалга оширилаётган барча ислоҳотлар, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан кутилаётган самара ҳам шу эмасми, аслида?!

«XXI ASR»
2013 йил 28 март,
пайшанба,
12 (488)-сон



# Истиқлолдан истиқболга юз тутган Қоровулбозор

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Зумрад АБРОРОВА,**
«XXI asr»



Кейинги йилларда улар турини янада кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва халқаро стандартларга мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурлари бўйича қатор модернизациялаш ишлари ҳам амалга оширилди. Хусусан, юқори октанли «Аи-91», «Аи-93», «Аи-95» русумли автобензин ёнилғилари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2006-2008 йиллар давомида дизель ёнилғисининг экологик жиҳатдан сифат кўрсаткичларини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида жаҳон стандартларига мос ва совуқ ҳароратга чидамли ёнилғиларни тайёрлаш технологиялари ҳам ўзлаштирилди.

2007-2009 йилларда эса «Боинг» ва «Аэробус» русумли ҳаво лайнерларига мўлжалланган «Жет А-1» русумли авиация ёнилғисини ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани завод тарихидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Шу ўринда янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун цехларнинг технологик инфраструктураси модернизация қилингани ва резервуарлар янги авиация ёнилғисини сақлашга мослаштирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Корхона марказий лабораториясида эса авиация ёнилғисини ASIM (АҚШ) стандартлари асосида синовдан ўтказиш учун алоҳида замонавий лаборатория жиҳозланди. Бу ишларни бажариш учун 2,5 млрд. сўм ва 135 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди.

Бу замон билан ҳамнафас иш олиб бориш, жаҳондаги энг илғор тажриба ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш завод раҳбарияти ва инженер-техник ходимларнинг доимий диққат-эътиборида эканидан далолатдир. Масалан, юқорида таъкидланганидек, 2009 йил август ойидан бошлаб DEF STAN 91-91 Британия ва ASTM B 1655 халқаро стандартларига тўлиқ жавоб берадиган ва айрим кўрсаткичлар бўйича улардан устунроқ бўлган «Жет А-1» русумли авиация ёнилғисини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун норматив ҳужжатлар тайёрланиб, шу асосда ишлаб чиқарилаётган аъло сифатли ёнилги «Ўзбекистон ҳаво йўллари» истеъмолчиларига етказиб берила бошланди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бажарилишига биринчилардан бўлиб киришган завод мутахассислари белгиланган муддатда сифат тизимини бошқариш халқаро ISO 9001:2008, халқаро хавфсизлик ва саломатлик бўйича OHSAS 18001:1999 халқаро стандарти, аэрокосмик сериясидан сифат тизимини бошқариш талабларига жавоб берадиган AS9100b халқаро стандартлар ҳамда экология тизимини бошқариш бўйича ISO 14001:2002 стандартини амалга жорий этишди. Айни пайтда мажмуа 4 та халқаро стандартлар сертификатига эга бўлган Марказий Осиёда ягона корхона ҳисобланади.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли бугун Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи республикамиз истеъмолчиларига 60 фоиздан ортиқ бензин, 50 фоиздан зиёд авиация керосини, 35 фоиздан зиёд дизель, 30 фоизга яқин дизель ёнилғиси ва бошқа турдаги нефть маҳсулотларини етказиб бермоқда. 2011 йилнинг ўзидагина солиштирма нархларда 995,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2010 йилга нисбатан 102,6 фоиз ўсишга эришилди. Истеъмолчиларга 332,9 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари етказиб берилиб, режа 116,1 фоизга бажарилди. Ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш мақсадида толлинг асосида хизматлар кўрсатилаётгани боис четдан валюта тушумига эришилмоқда.

Мажмуанинг 2012 йилдаги фаолият натижалари ҳам салмоқли эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўтган йили завод жамоаси томонидан 1540,9 минг тонна, яъни 2011 йилга нисбатан 57,3 минг тонна кўп нефть ва газ конденсати қайта ишланиб, 2011 йилга нисбатан ўсиш суръати 103,9 фоизга етди. Солиштирма нархларда 1076,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 106,1 фоизни ташкил этди. Истеъмолчиларга жами 321,7 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари етказилиб, белгиланган режа 114,6 фоизга бажарилди.

«Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури» асосида лак-бўёқ ишлаб чиқарувчи корхоналар учун зарур хом ашё — углеводород эритгичи ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши ҳам корхона имкониятларини сезиларли даражада оширди.

Мутахассисларнинг билдиришларича, 2012-2016 йилларда «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» унитар корхонасининг қиймати 475 млн. АҚШ долларига тенг иккинчи навбати ҳам барпо этилади. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини тайёрлаш ишлари жорий йилда якунланиб, 2014 йилдан бошлаб объектда умумий қурилиш ишлари бошланади. Иккинчи навбатни барпо этиш лойиҳаси йилига 960 минг тонна бензин, 706 минг тонна дизель ёнилғиси ва 250 минг тонна Евро-3 стандартидаги авиакеросин ишлаб чиқариш имконини беришини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Лойиҳани амалга ошириш ишлари заводда тиниқ нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини 95 фоизгача етказиш ва Евро-3 стандартлари бўйича юқори октанли бензин компонентларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш дастури доирасида амалга оширилмоқда. Қайта ишлашнинг лойиҳавий қуввати суюқ углеводородлар эса йилига 2,5 млн. тонна газ конденсатини ташкил этади.

Сир эмаски, ҳар қандай корхона фаолиятининг самарадорлиги ва келажагини таъминлаш бевосита кучли мутахассислар салоҳиятига боглиқ. Шу маънода ҳам ёш кадрларни жой-жойига қўйиш, малакасини ошириш ва ўқитиш масалалари корхона раҳбариятининг доимий диққат марказида. Айни пайтда заводда 3387 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётир. Уларнинг 607 нафарини раҳбар-мутахассис, 2780 нафарини ишчи-хизматчилар ташкил қилади. Завод жамоасининг 1135 нафари (33,5 фоиз) хотин-қизлар, 940 нафари (27 фоиз) 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар, 735 нафари (22 фоиз) олий, 1020 нафари (30 фоиз) ўрта махсус маълумотлилардир.

Мажмуада касаначилик ҳам изчил йўлга қўйилган. Айни пайтда 652 нафар маҳаллий аҳоли уй меҳнати билан таъминланган. Улар 28 турда маҳсулот ишлаб чиқариб, нафақат завод эҳтиёжлари, балки бошқа мижозлар талабини ҳам қондиришмоқда. 2012 йилда касаначилар томонидан 33 турда, умумий қиймати 1113,6 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, кўрилган фойда 112,1 млн. сўмни ташкил этди.

Заводда ёш кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш мумкин. Хусусан, тегишли шартномалар асосида И.В.Губкин номидаги Нефть ва газ университети Тошкент филиали, Бухоро юқори технологиялар ва муҳандислик-техника институти, Тошкент кимё технологиялари институти ҳамда Тошкент Давлат техника университети билан яқин ҳамкорлик ўрнатилиб, уларнинг жами 250 нафар талабаси ишлаб чиқариш ва битирув-малакавий ишлари олди амалиётларини бевосита заводдаги ишлаб чиқариш цехларида ўташди. Шу билан бирга, Бухоро нефть ва газ саноати ҳамда Қоровулбозор саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежлари талабалари ишлаб чиқариш амалиётларини мазкур заводда ўтаб, дастлабки кўникмаларга эга бўлишаяпти. Ўтган йили ушбу билим юртларининг 72 нафар битирувчиси 3 томонлама шартнома асосида ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланди. Уларга заводнинг тажрибали мутахассислари бириктириб қўйилди. Ишлаб чиқариш амалиёти даврида барча амалиётчилар ойлик иш ҳақи, бепул иссиқ овқат ва махсус кийим-бош билан таъминланишади.

**БУГУН БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ РЕСПУБЛИКАМИЗ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИГА 60 ФОИЗДАН ОРТИҚ БЕНЗИН, 50 ФОИЗДАН ЗИЁД АВИАЦИЯ КЕРОСИНИ, 35 ФОИЗДАН ЗИЁД ДИЗЕЛЬ, 30 ФОИЗГА ЯҚИН ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ ВА БОШҚА ТУРДАГИ НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРМОҚДА. 2011 ЙИЛНИНГ ЎЗИДАГИНА СОЛИШТИРМА НАРХЛАРДА 995,8 МЛРД. СЎМЛИК МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИБ, 2010 ЙИЛГА НИСБАТАН 102,6 ФОИЗ ЎСИШГА ЭРИШИЛДИ.**

Корхонанинг иқтисодий-молиявий имкониятлари ортгани сари ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва улар турмуш тарзини янада яхшилашга бўлган интилиш ҳам кучаймоқда. Колаверса заводнинг ишга туширилиши шаҳарча қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Бу ерда амалга оширилган ободончилик ишлари ва янги барпо этилган инфратузилмалар нафақат нефтчилар, балки туман аҳолисининг турмуш фаровонлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ишчилар шаҳарчасида бунёд этилган, барча қулайликларга эга 700 та турар-жой коттежи, замонавий маиший ва маданий биноларда ҳам энг қулай шароитлар муҳайё. 2011 йилнинг ўзида 35 та турар-жой коттежи қурилиб, корхона ишчи-ходимларига топширилди. 2012 йилда эса 60 нафар ходим учун қишлоқ жойлардаги намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уйлар топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида 2011-2012 йил давомида уй-жойга муҳтож ёш оилаларнинг 30 нафарига, 2012 йилда яна 7 нафарига «Нефтчилар» шаҳарчасида қурилган янги турар-жой коттежлари ажратилгани эса маҳаллий ишчилар сулолаларининг юзага келиши учун замин яратмоқда. Умуман олганда, 2003-2012 йиллар давомида завод томонидан 307 та турар-жой коттежи қурилиб, ишчи-ходимларга топширилди.

Завод жамоасининг ижтимоий муҳофазасига ҳам юқори эътибор қаратилаяпти. Ишчи-хизматчилар йилига бир марта, хотин-қизлар эса икки марта тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилади. Ўтган йили ҳам тиббий кўрик хулосалари ва завод Касаба уюшмаси йўлланмаси асосида 286 нафар ишчи-хизматчи юртимиздаги сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тикладилар. Заводга қарашли «Нефтчи» болалар согломлаштириш оромгоҳида мавсум давомида 1016 нафар бола мароқли дам олди.

Юқорида таъкидланганидек, корхонада ёш кадрларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни азалий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, истиқлол шарофати билан барпо этилган иншоотлар билан яқиндан таништириш мақсадида Бухоро, Қарши, Хива, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларига саёҳатлар уюштирилмоқда. Ёш мутахассислар эса мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналаридаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишиш мақсадида «Шўртан газкимё» мажмуаси, «СамАвто» ОАЖ, Олмалиқ кон-металлургия комбинати каби корхоналарда бўлиб қайтишди.

Қоровулбозор туманидаги «Нефтчилар» шаҳарчасида аҳоли учун яратилган шароитлар ҳам кўнгилга қувонч бағишлайди. Жумладан, «Ёшлар маркази», шаҳарча микроиқлимини юмшатиш ҳамда аҳоли дам олиши учун 110 минг куб. метр сув сиғимига эга, умумий майдони 12 гектардан иборат «Сунъий кўл», «Ҳаммом-согломлаштириш мажмуи» ва концерт майдонлари йирик шаҳарларникидан қолишмайди.

Шунингдек, 720 ўринга мўлжалланган замонавий «Маданият саройи», деҳқон бозори, ёпиқ чўмилиш ҳавзаси, спортнинг гимнастика, волейбол, баскетбол, оғир ва енгил атлетика, шарқ яккакурашлари бўйича тўгаракларни ўзида қамраган, бир йўла 460 спортчи шуғулланиши мумкин бўлган «Спорт-согломлаштириш мажмуаси», 240 ўринли «Ёшлар меҳмонхонаси» ҳамиша гавжум. Бундан ташқари замон талабларига мос стадион, «Ёшлар аттракцион боғи», замонавий кўп қаватли турар-жой бинолари қурилаётгани корхона келажаги янада порлоқ эканидан далолат бермоқда.

Айниқса, «Маданият саройи» нефтчилар фахри ҳисобланади. Бу ерда нафақат завод ишчи-хизматчилари, балки Қоровулбозор аҳли ҳам маданий ҳордиқ чиқармоқда. Саройда маънавият хонаси, рақс зали, музей, ахборот-ресурс маркази, компьютер, рақс ва мусиқа йўналишларидаги тўгараклар аҳоли, хусусан, ёшларга хизмат қилаяпти. Ҳозир ҳар бир тўгаракда ўртача 40 нафар ўқувчи қатнашиб, жами 200 нафар талаба бўш вақтларини мазмунли ўтказмоқда.

Айниқса, замонавий технологиялар асосида жиҳозланган ахборот-ресурс маркази ўзининг 233 миллион сўмлик қийматдаги, қарийб 45 фоизи чет тилларида бўлган 6496 та илмий-оммабоп ва махсус адабиётлар, жами 50 минг дона китобдан иборат хазинаси билан 756 нафар фойдаланувчининг иккинчи уйига айланганини алоҳида қайд этиш мумкин. Вақти-вақти билан ўқув залида адабиёт ва китобхонлик кечалари уюштирилади. Бу ерда ўтказилган «Конституциямиз — бахтимиз қомуси», «Серқуёш, ҳур ўлкам» мавзуларидаги давра суҳбатлари, шоир ва ёзувчиларимиз ҳаёти ва ижодига бағишланган ижодий кечалар, «Ёш рассом» кўрик-танловлари шулар жумласидандир.

«Маданият саройи»да турли маънавий-маърифий, бадиий ва концерт дастурлари, атоқли фан ва санъат намояндалари билан учрашувлар тез-тез ўтказиб турилади. Хусусан, Зиёда, Улуғбек Раҳматуллаев, Озодбек Назарбеков, Огабек Собиров, Равшан Комилов, Мавлуда Асалхўжаева, Фарҳод Саидов, Райҳон Ғаниева каби санъаткорлар ва машҳур ёзувчи ҳамда шоирлар билан уюштирилган учрашув ҳамда бадиий-маърифий кечалар нефтчилар кайфиятини кўтариб, уларнинг маданий-маърифий билимларини оширишга хизмат қилмоқда.

Корхонада аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳам жиддий назоратга олингани айтилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 апрелдаги 03-6-21-йиғилиш баённомаси ҳамда «Ўзбекнефтгаз» МХК бошқарувининг 2008 йил 7 октябрдаги 51-қарорига мувофиқ, мажмуа қошида чорвачилик фермаси ташкил этилиб, унга хориждан 1018 бош зотдор қорамол олиб келинган эди. Ўтган давр мобайнида улардан 1276 бош наслли бузоқ олиниб, қорамоллар сони 2294 бошга етди. 2012 йилда сигирлардан 593,4 тонна сут соғиб олиниб, унинг 307 тоннаси сутни қайта ишловчи корхоналарга сотилди. Кези келганда, мазкур чорвачилик мажмуаси ишга туширилиши натижасида 145 та қўшимча иш ўрни яратилганини таъкидлаш жоиз. Умуман олганда, 2012 йилда заводда жами 62 та янги иш ўрни, шу жумладан, 10 та касаначилик ўрни яратилганини айтиш керак.

Шу билан бирга, ҳукумат топшириғига кўра, 2010-2011 йиллар мобайнида завод томонидан Қоровулбозор туманида ўн гектар майдонда замонавий иссиқхона ташкил этилиб, унинг 2 гектарига «Инфинити» навли бодринг кўчатлари ва 3 гектарига «Белла» навли помидор кўчатлари экилди. Яна ўн гектарда барпо этилган интенсив богда эса Сербиядан келтирилган 22800 туп олма, нок ва гилос дарахтлари парваришланмоқда.

Жорий йилнинг Юртбошимиз томонидан «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниб, тегишли Давлат дастури ишлаб чиқилгани Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси зиммасига ҳам катта масъулият юклади. Мажмуанинг 2013 йил 26 февралдаги буйруғи асосида тегишли чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, бу йўналишда амалий ишлар бошлаб юборилди.

Миллий иқтисодиётимиз таянчларидан бири бўлган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводидан қайтар эканмиз, ушбу мажмуа раҳбари Шамсиддин Сайдаҳмедовнинг бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, изчил ўзгариш ва янгиланишлар истиқлол туфайли, Юртбошимизнинг узоқни кўра билишлари, эртанги авлод учун қайғуришлари натижасида юз бераяпти, деган сўзлари ёдимизга тушди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи иқтисодий қудратимиз тимсоли сифатида бугунги ва келажак авлодларга истиқлол имкониятларидан дарак бериб, Ватанимиз равнақига узоқ йиллар хизмат қилишига шубҳа йўқ, албатта.











**КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.**
O`zLiDeP Тахтакўпир туман кенгашида «БПТларнинг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва партия дастурий вазифаларини амалга оширишда тутган ўрни» мавзуида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда жойларда партиявий-ташкилий ишларни кучайтириш, маҳаллий кенгаш депутатлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш юзасидан ўзаро тажриба алмашинди.



**ХОРАЗМ.**
Қўшкўпир туманида БПТ раислари иштирокида ўтган давра суҳбати миллий ўзликни англаш ва ёшларни огоҳликка даъват этиш масалаларига бағишланди. Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари асосида ташкил этилган ушбу тадбирда ёшлар ўртасида юксак ахлоқий тарбияни кучайтириш, маънавиятимизга зид иллатларга қарши кураш юзасидан муҳим таклифлар ўртага ташланди.



**САМАРҚАНД.**
«Тадбиркорлик субъектларининг давлат тузилмалари ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги: муаммолар ва ечимлар» — Иштихон туманидаги «Қоракўйли» МФЙда бўлиб ўтган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди. Унда банклардан имтиёзли кредитлар олиш, рўйхатдан ўтиш ва фаолиятни лицензиялаш борасидаги янги имтиёз ва имкониятлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА



## Етакчига яна ишонч билдирилди

**ШУ КУНЛАРДА O`ZLIDEPНИНГ ҚУЙИ БЎҒИНЛАРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИДА ЎТГАН ЙИЛ НАТИЖАЛАРИ САРҲИСОБ ҚИЛИНИБ, КЕЛГУСИДАГИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНАЯПТИ**

**Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,**
**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr»



O`zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши тизимида 766 та БПТ иш олиб бораётган бўлиб, уларнинг 252 таси фирма ва хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектларида очилган. Энг асосийси, O`zLiDePнинг ғоя ва мақсадларини оммага етказишда замонавий тарғибот усулларидан кенг фойдаланилмоқда. 2010 йили «ASL NAFIS» МЧЖда O`zLiDeP бошланғич ташкилотига асос солинган эди. Дастлаб 5 нафар аъзони жипслаштирган БПТда ҳозир маслакдошлар сони 30 дан ошди. Эътиборлиси, фаолларнинг 45 фоизини ёшлар, 26 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Яқинда мазкур бошланғич ташкилотда O`zLiDeP вилоят кенгаши тизимида биринчилардан бўлиб кўргазмали ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди.

Кези келганда қайд этиш жоизки, ушбу БПТ хонаси замонавий компьютер, зарур қўлланма ва сиёсий адабиётлар билан таъминланган. Сиёсий нашрлар ҳам ғоявий-сиёсий ишлар таъсирчанлигини оширишда қўл келмоқда.

— O`zLiDeP аъзолари, депутатлик гуруҳи вакиллари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида очиқ мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказишни изчил йўлга қўйганмиз, — дейди БПТ раиси Қодир Сувонов. — Бу эса ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, зарур таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, фаоллар сафини кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Жойларда Президентимиз маърузалари, фармон ва қарорлари, янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган ўқув-семинарлар ташкил этилиб, асосий эътибор долзарб ҳаётий масалаларга қаратилмоқда. Энг муҳими, БПТ аъзолари бу борада сиёсий фаоллиги ва ташаббускорлигини намоён этишмоқда. Уларнинг сафи илғор фикрли, билимдон, ташкилотчи ҳисобига тобора кенгайиб бораётгани ҳам диққатга молик. Хусусан, Фуркат Туронов, Юлдузхон Турдиева, Сарвиноз Акромова, Камолиддин Рўзимуродов каби фаол ва ташаббускор партия аъзолари шулар жумласидандир.

O`zLiDeP вилоят кенгаши масъул ходими Насиба Мўминованинг эътироф этишича, «ASL NAFIS» МЧЖдаги БПТда партиявий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилган. Хусусан, навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди. Унда бошланғич ташкилотнинг 2012 йилдаги фаолияти муҳокама қилиниб, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар хусусида атрофлича сўз юритилди. Таъкидланганидек, ҳисобот даврида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан амалий таклифлар киритиш борасида бироз сусткашликка йўл қўйилган. Бу ҳолга барҳам бериш, 2013 йилда белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш учун барча куч ва имкониятлардан фойдаланиш талаб этилади. Токи ўтган йилги хатолар такрорланмасин.

Ҳисобот йиғилишида ушбу масала юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, асосий эътибор яқин келажакда амалга ошириладиган муҳим вазифаларга қаратилди. Тадбирда ташкилот етакчисининг ўтган йилдаги фаолияти маъқулланиб, Қодир Сувонов БПТ раислигига кўпчилик овоз билан қайта сайланди. Юлдузхон Турсунова эса раис ўринбосари сифатида маъқулланди.

Партия Уставига мувофиқ, БПТ аъзолари сони 30 кишидан ошганлиги боис бу ерда кенгаш тузилиб, унинг аъзолари сайланганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, аёллар йўналиши бўйича гуруҳ раҳбари этиб Сарвиноз Акрамова, ташкилий-партиявий ишлар йўналиши бўйича БПТ раисининг ўринбосари этиб Фурқат Туронов сайланди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида бошланғич ташкилотнинг жорий йилдаги тадбирлар режаси ҳам тасдиқланди. Ушбу режа «Обод турмуш йили» Давлат дастурида қайд этилган, ҳукуматимиз ҳамда O`zLiDeP юқори ташкилотлари томонидан белгилаб берилган вазифалар асосида ишлаб чиқилгани билан эътиборга моликдир. Унинг ижросини таъминлаш партия фаолларидан катта куч-ғайрат ва ташаббускорликни тақозо этади, албатта. Зеро, жамият равнақи, турмуш фаровонлигини таъминлаш иқтисодий-сиёсий ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Самарқанддаги O`zLiDeP бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари давом этмоқда.

## Навоийда янги қуйи бўғин

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ СИИОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ ДАВЛАТ КОРХОНАСИДА ЎТКАЗИЛГАН НАВБАТДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУКУРЛАШТИРИШ ВА ФУКАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ТАҲЛИЛИГА БАҒИШЛАНДИ**

**Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI asr»

O`zLiDeP вилоят кенгаши мутасаддиларининг таъкидлашича, бугун барча соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотлар «Кучли демократик давлатдан — эркин фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, жойларда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кенг йўл очиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, кўзланган режа ва мақсадларни тўла рўёбга чиқариш имконини бермоқда. Албатта, ушбу жараёнларни O`zLiDeP фаолиятидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки унинг дастурий вазифалари жамият тараққиёти, инсон манфаатлари билан чамбарчас боғлиқдир. O`zLiDeP фракцияси, шунингдек, партиянинг ҳудудий ва туман (шаҳар) кенгашларида бўлиб ўтган муҳокамалар чоғида қонун лойиҳаларини такомиллаштириш, ғоявий-сиёсий ишларни кучайтириш юзасидан муҳим таклиф ва истаклар билдирилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Қолаверса ҳар йили ўнлаб партиявий лойиҳалар эълон қилиниб, бунда асосий эътибор партия электорати ва тарафдорлари ўртасида ижтимоий-ҳуқуқий тарбияни кучайтириш, уларнинг сиёсий саводхонлигини ошириш, шу тариқа жамият ҳаётида кечаётган ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилмоқда.

Партия вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» раҳбари Шавкат Раҳматов ёш авлодни миллий анъаналаримиз, қадим урф-одат ҳамда қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳр-садоқат руҳида тарбиялаш, бу борада мамлакатимизда яратилган имкониятлар хусусида тўхталди. Замонавий касб-кор сирларини пухта эгаллаган, ўз қатъий ҳаётий позициясига эга бўлган интеллектуал салоҳиятли инсонларни камол топтиришда «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Хавфсиз интернет» ва бошқа қатор партиявий лойиҳалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шаҳар партия кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари Ирода Пардаева ўз чиқишида O`zLiDeP ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш, бу борада жойларда ўтказилаётган мулоқот, учрашув ҳамда давра суҳбатлари хусусида тўхталаркан, ғоявий-ташкилий ишлар самараси ўлароқ кейинги пайтда корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда электорат вакиллари сафи кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Бу, албатта, қувонарли ҳолдир. «Обод турмуш йили»да режалаштирилган залворли вазифалар ҳам ҳар биримиздан фаоллик ва ташаббускорликни талаб этади. Демак, асосий масъулият яна сиёсий партиялар зиммасига тушиши аниқ. Чунки улар оммага ғоявий таъсир ўтказувчи, фуқароларни олға етакловчи куч сифатида жамиятимизда алоҳида мавқега эгадир.

— Бугун мамлакатда амалга оширилаётган янгиланиш ва ислоҳотлар жараёни ҳеч биримизни бефарқ қолдираётгани йўқ. Жумладан, ўзим ҳам 2009 йилдан бери тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг аъзоларидан бири сифатида фаолият юритиб, кўпчиликнинг ишончини қозонишга ҳаракат қилаяпман. Бу, албатта, юксак масъулиятдир, — дейди Навоий синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси директори Азим Жўраев.

Таъкидлаш жоизки, корхона жамоаси ҳудудда ишлаб чиқариладиган ҳамда четдан келтириладиган маҳсулотларнинг 72 турдаги лаборатория таҳлилларини ўтказиш, корхона, ташкилот ва муассасалар, шунингдек, аҳоли хонадонларида фойдаланиладиган турли ўлчов ва синов воситаларини қиёслаш, метрологик аттестациялаш, уларни давлат реестрига киритиш, турли хил маҳсулот ва хизматларни лицензиялаш, экспорт салоҳиятига эга бўлган корхоналарда халқаро сифат тизимини бошқариш менежментини юритиш билан боғлиқ кенг қамровли ишларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Моддий-техника базасини янгилаш ва қайта модернизациялаш, замонавий ускуналарни амалиётга кенг жорий этиш ҳисобига ўтган йили юқори натижаларга эришилди. Бу борадаги изланишлар давом эттирилмоқда.

> **O`ZLIDEP ДАСТУРИДАН**
>
> **Бошланғич партия ташкилоти ҳар томонлама билимдон, сиёсий ва ижтимоий тайёргарликка, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш соҳасида янги ғоя ва таклифларга эга бўлган, партия воситалари билан тадбиркорлар, фермерлар, хусусий сектор вакиллари ва бошқа партия аъзолари манфаатларини ифодалашга қодир, обрўли ва жонкуяр шахсларнинг ихтиёрий равишда бирлашишидан ташкил топади.**

Мутасаддиларнинг фикрича, «Обод турмуш йили»да 4 турдаги намунали ўлчов воситалари ёрдамида электр, геометрик катталиклар, зичлик ва қовушқоқликни ўлчашга оид йўналишлар бўйича марказнинг аккредитациялаш доираси кенгайтирилади. Шунингдек, жорий йилнинг биринчи ярмида 4 турдаги синов қурилмаларини харид қилиш, вилоят ИИБ ЙҲХБ билан ҳамкорликда автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш лабораториясини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Айтиш жоизки, марказ тасарруфидаги маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш идоралари фаолиятини кенгайтириш, сифат тизимини бошқариш менежментини такомиллаштиришга йил сайин катта эътибор қаратилмоқда.

Зеро, бу мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар талабига тўла мос келиб, қўшимча иш ўринлари яратиш, ички ва ташқи бозорларни экологик тоза, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Давра суҳбатида сўзга чиққан Карим Бегматов, Дилфуза Ҳожиева ва бошқалар O`zLiDePнинг ғоя ва мақсадлари ўз интилишлари, қарашларига тўла ҳамоҳанг эканлигини изҳор этиб, унинг сафига киришга қарор қилганликларини билдирдилар.

Шу ўринда корхонада партиянинг бошланғич ташкилотига асос солинди ва ишчи-хизматчилардан 14 нафарига аъзолик гувоҳномалари топширилди.

# ХАБАРЛАР

### МУБОРАКЛИК ФЕРМЕРЛАРГА, БАЛЛИ!

Муборак туманидаги «Мадина Абдуллаева» фермер хўжалигида 2011 йили 5500 бош парранда парвариш қилиниб, аҳолига 6,6 тонна гўшт, 500 минг дона тухум етказиб берилган бўлса, ўтган йили паррандалар сони етти мингдан ошиб, 8,6 тонна гўшт ва тухум етиштирилди.
— Йил сайин даромадимиз кўпайиб, паррандачиликни ривожлантириш учун замонавий ускуналар сотиб олаяпмиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари М.Абдуллаева. — Аҳамиятлиси, туманимизда паррандачилик билан шуғулланаётган фермер оилалар сони ортиб бормоқда.

### ҚИШЛОҚНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ



O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази Шеробод туман кенгаши билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган вазифалар ижроси юзасидан ўқув-семинар ташкил этди.
— Ушбу фармонда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ерларининг узоқ муддатли ижара мулки сифатида берилиши ва қишлоқда бозор муносабатларининг жорий қилиниши белгиланганн натижасида фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш, ўз навбатида, фуқароларимизда ерга ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга ҳақиқий эгалик туйғуси янада кучаяди, — дейди Сиёсий таълим маркази раҳбари Г.Амирова. — Шу боис ана шундай ўқув машғулотларини бошқа туманларда ҳам ўтказиш режаси ишлаб чиқилди.
Семинар иштирокчилари фармоннинг мазмун-моҳиятини барча туман ва шаҳарларда, чекка қишлоқларда аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, фуқароларни фермерлик соҳасига кенг жалб қилиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш муҳим эканини таъкидладилар.

**Д.РАҲМАНОВА, O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари ўринбосари.**

### «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ХАБАРЛАРИ

**КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:**
O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан Тахиатош шаҳрида ўтказилган «Аёл — она, устоз ва раҳбар» шиори остидаги тадбирда хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, уларни сиёсий жараёнларга кенг жалб қилиш, бандлик муаммоларини бартараф этишга кўмаклашиш масалалари муҳокама қилинди.

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ:** «Аёллар қаноти» ташаббуси билан Фарғона туманидаги «Лоғон» ҚФЙ ўтказилган навбатдаги йиғилиш эса «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш масалаларига бағишланди. Тадбирда тадбиркорликка оид қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар хусусида сўз юритилиб, аёллар учун муносиб шароитлар яратиш, энг муҳими, уларнинг фарзанд тарбияси ва оиланинг жамиятдаги ролини кучайтиришдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилди.

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ:** «Аёллар қаноти» ташаббуси билан «Қатъий ҳаётий қарашлар ва ўз позициясига эга бўлган инсонни тўғри йўлдан қайтариб бўлмас» мавзуидаги навбатдаги тадбир Булунғур туманида бўлиб ўтди. Давра суҳбатида хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар ва аёлларнинг турли оқимларга кириб қолишларини олдини олишга эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

# Жараён

# Деҳқонларимиз меҳнати бароридан келсин

AGROBANK

## БУГУН ЖАННАТМАКОН ЮРТИМИЗНИНГ ҚАЙ БИР ГЎШАСИГА БОРМАНГ, БОҒУ РОҒЛАР, СЕРҲОСИЛ ДАЛАЛАРГА ГУВОҲ БЎЛАСИЗ

**Шаҳзод НАЗАРОВ,**
«XXI asr»

Она-замин бағрида етиштирилаётган сархил ноз-неъматлар турмуш фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Дастурхонларимиз қишин-ёзин тўкин. Бу, энг аввало, томорқа хўжалигини ривожлантиришга бирламчи эътибор қаратилаётганлиги самарасидир.

Қашқадарё вилоятида ҳам томорқадан, демакки, ердан унумли фойдаланиш борасида бой тажриба тўпланган, десак асло хато бўлмайди. Хусусан, «Агробанк» ОАТБ вилоят бошқармасининг молиявий кўмаги билан тармоқда туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, ички истеъмол бозорини тўлдириш борасида яхши натижаларга эришилаётир. Томорқа ризқ-рўз, тўкинлик манбаи эканлиги бугун барчага яхши маълум. Жойларда ўтказилаётган учрашув ва мулоқотлар давомида ана шулар хусусида сўз юритилиб, томорқадан унумли фойдаланиш борасида зарур маслаҳатлар, йўл-йўриқлар берилмоқда. Шахсий деҳқон хўжаликларини етарлича уруғ, кўчат ва минерал ўғитлар билан таъминлашда эса банклар томонидан ажратилаётган микрокредитлар жуда қўл келаяпти.

Айни кунда вилоятда 154 та қишлоқ фуқаролар йиғини ва 466 та маҳалла бўлиб, жами томорқа майдони 61 206 гектарни ташкил этади. Шуни назарда тутган ҳолда Агробанк томонидан аҳоли учун ҳар жиҳатдан манфаатли бўлган муҳим таклифлар илгари сурилмоқда. Ҳозиргача бир қатор туманларда кўчат ва уруғлар билан савдо қилувчи дўконлар ташкил этилиб, хўжаликлараро шартномалар имзоланди. Банк филиаллари томонидан савдо корхоналарига ўз вақтида кредитлар ажратилаётганлиги, сифатли кўчат ва уруғлар марказлашган тартибда етказиб берилаётганлиги ҳам эътиборга моликдир. Қишлоқ аҳолисига қулайлик яратиш, уларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида 42 та кўчма шохобчалар ташкил этилиб, улар банк терминаллари билан жиҳозланган.



— Томорқа хўжалигини ривожлантириш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш бугунги кундаги муҳим вазифалардан биридир, — дейди банкнинг Нишон филиали мижози Абдумалик Жўраев. — Чунки томорқа қут-барака, мўл-кўлчилик манбаи саналади. Мен буни ўз тажрибамдан яхши биламан. Кўпдан бери иссиқхона қуриш ниятида эдим. Банк томонидан ажратилган 6,2 млн. сўм кредит маблағи эвазига ана шу мақсадимга эришдим. Ҳозирги кунда иссиқхонада турли хил кўкатлар, сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда. Бу қўшимча даромад, демакдир.

Дарҳақиқат, шундай. Воҳада интенсив боғдорчилик ҳам ривожланиш босқичига қадам қўйган. Янги боғ-роғлар яратишга бел боғлаган деҳқонлар молиявий жиҳатдан ўз вақтида қўллаб-қувватланиб, улар зарур миқдордаги кредит маблағлари билан таъминланмоқда. Дейлик, Китоб филиали томонидан «Абдураҳмонов Шаҳбозбек», «Хайитов Шерзод» фермер хўжаликларига 20,5 млн. ва 15,4 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Мухтасар қилиб айтганда, қишлоқ мулкдорларининг асосий таянчига айланган «Агробанк» Қашқадарёда ҳам ўз мижозлари ишончини мустаҳкамламоқда. Турмуш фаровонлиги, дастурхон тўкинлиги йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар, томорқа хўжалигини ривожлантириш учун йўналтирилаётган маблағлар қишлоқ аҳолисининг порлоқ эртасидан далолат бериб турибди.

**Реклама** ўрнида

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҒОЯЛАРИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

***Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан молиялаштирилишига кўмаклашилади.***

Танлов қуйидаги йўналишларда ўтказилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестицион жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**
Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

**Батафсил маълумот учун:**
Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;
Web-sayt: www.ffpd.uz;
E-mail: pdf.fund@gmail.com

**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани,
Асадулла Хўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қават.
Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

**«COLLEGIAL PROTECT»**

**ўз хизматини таклиф этади**

**Ҳурматли тадбиркор ва фермерлар!**
Тошкент шаҳридаги «COLLEGIAL PROTECT» адвокатлик фирмаси мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйича келишилган нархларда ўз хизматини таклиф этади. Яъни фирма томонидан тадбиркор ва фермерларга зарур юридик ёрдам кўрсатилиши таъминланади. Бу эса соҳа равнақи ва қонунийлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эгадир.

**Мурожаат учун телефонлар:
8(371) 269-00-40,
(+99890) 982-41-68, (+99893) 502-62-99.**
Хизматлар лицензияланган!

**Қутлов**



# Янги технологиялар, замонавий ускуналар, фаол ҳамкорлик

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАЛАР МАЖМУИДА «UZBEKISTAN INDUSTRIAL FORUM — 2013» БЕШИНЧИ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ БОШЛАНДИ

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
ЎзА мухбири



Тадбир Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Ўзавтойул» ДАК, ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ва «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси кўмагида IEG Uzbekistan кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида мамлакатимиз саноатини барқарор, жадал ва мувозанатли ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ҳамда замонавий юқори технологик ускуналар билан қайта жиҳозлаш жараёни давом этмоқда. Бу жаҳондаги техника ва технологиялар ишлаб чиқарувчи йирик корхоналарда қизиқиш уйғотмоқда. Саноатнинг муҳим йўналишларини ўз ичига олган мазкур форум бунинг тасдиғидир.

Очилиш маросимида ушбу тадбир саноат корхоналари ва илмий ташкилотлар ютуқларини намойиш қилиш, техник жорий этиш ҳамда инновация фаолиятини ривожлантиришга қаратилгани таъкидланди. Бу нафақат ўзига хос коммуникация услуби, балки ички ва ташқи бозорга янги технологиялар, замонавий асбоб-ускуна ҳамда бутловчи буюмларни таклиф этиш билан шуғулланадиган мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва фирмаларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган инвестиция ҳамда иқтисодий сиёсат воситаси ҳамдир. Шу муносабат билан форум дастуридан бир қанча кўргазма лойиҳалари ўрин олган.

Ушбу саноат форуми мамлакатимиз ҳамда хорижнинг етакчи компаниялари иштирокидаги асосий музокара ва саноат кўргазмаси майдонига айланди. Унда Ўзбекистон, Германия, Швейцария, Шотландия, Буюк Британия, Хитой, Беларусь, Украина, Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатлардан 50 дан ортиқ корхона иштирок этмоқда. Уларнинг фаолияти тоғ-кон, металлургия, энергетика тармоқларида саноат автоматика қурилмалари, айрим таркибий қисмлар ва комплексларни лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда фойдаланишга топширишга қаратилган. Кенг турдаги энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборлари, автоматлаштирилган бошқарув тизимлари ва бинолар хавфсизлик тизимлари намойиш этилмоқда.

Форум экспозициясидан «Тоғ-кон саноати учун технологиялар ва ускуналар — «UzMiningExpo-2013» мавзуси бўйича ихтисослаштирилган кўргазмага махсус жой ажратилган. Бу ерда мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий таркибий қисми сифатида Ўзбекистон саноатининг салоҳияти намойиш этилмоқда. Кўргазмада «Навоий кон-металлургия комбинати», «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ва «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик жамиятлари каби йирик саноат компаниялари қатнашмоқда.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида геология-қидирув ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади. Шу боис кўргазма қатнашчилари сони йил сайин ортиб бормоқда, экспозицияда эса тоғ-кон саноатининг энг сўнгги ютуқлари намойиш этилмоқда. Бу галги кўргазмада турли мамлакатлар тоғ-кон саноатининг йирик ва машҳур корхоналари энг илғор ускуналарини тақдим этмоқда. Геологик ахборотга ишлов бериш, тоғ-бурғулаш ускуналари, йўл-қурилиш, қишлоқ хўжалик, коммунал, аэродром-тозалаш ва бошқа махсус техникалар шулар жумласидандир.

— Бу форумда илк бор иштирок этмоқдамиз, — дейди Am Sider компанияси менежери Евгений Крайс (Германия). — Ушбу кўргазма натижасида самарали ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратиб бераётган Ўзбекистоннинг улкан саноат салоҳияти билан танишиш имконига эга бўлдик. Тадбир доирасида мамлакатингизнинг йирик корхоналари вакиллари билан ўтган учрашувларда уларга саноат ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш борасида алоҳида ечимларни таклиф этмоқдамиз. Ишончим комилки, муносабатларимиз истиқболли ва муваффақиятли бўлади.

Мамлакатимизнинг JV MAN AUTO UZBEKISTAN корхонаси экспозицияси алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Корхона томонидан очиқ кон самосваллари, бетон қоригичлар, автокранлар, бурғилаш қурилмалари учун платформалар, қудуқларни цементлаш қурилмалари, шатаклар, коммунал техника ва бошқа кўплаб ускуналар намойиш этилмоқда. Соҳанинг бошқа корхоналари тоғ-кон саноати олдида турган вазифаларни ҳал этишда фойдаланиладиган замонавий техника ва технологияларни тақдим этмоқда.

Ўзбекистон металлургия саноатининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигининг муҳим омили ҳисобланади. Негаки, ушбу соҳа уни диверсификация қилишга ҳисса қўшмоқда, янги иш ўринларини ташкил қилмоқда.

«UzMetalMashExpo-2013» лойиҳаси металлургия саноати учун машиналар, саноат ускуналари, бутловчи буюмлар, деталлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчилар ҳамда етказиб берувчилар манфаатларини бирлаштиришда муҳим ўрин тутади. Экспонатлар орасида эритилган пўлат печлар, рух югуртирилган металл, токарлик, фрезерлаш, силлиқлаш ускуналари, назорат-ўлчаш приборлари, қаттиқ ва оғир қотишмалардан буюмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар бор.

Хорижий машинасозлик ва металлургия корхоналарининг фаоллиги мамлакатимизда ушбу соҳада йирик лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқдир. Масалан, «Ўзметкомбинат» 2013 йилнинг иккинчи ярмида пўлат қувурлар ишлаб чиқариш объектини қуради. Шу билан бирга, комбинат негизида турли диаметрли мис қувурлар ишлаб чиқариш бўйича янги корхона ташкил этилмоқда. «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» металл қуйиш корхонасини реконструкция қилмоқда. Бу лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур технологик ускуналарни харид қилиш лозим. Уларни эса мамлакатимиз ва хорижлик ишлаб чиқарувчилар таклиф этиши мумкин.

Мазкур форум саноатчилар, бизнесменлар, давлат ҳокимияти органлари ва илмий доира вакилларининг ўзига хос амалий мулоқот майдонига айланиб, ташкилотлар, корхоналар ва инвесторлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

# Тадбиркор ҳақми ёки завод раҳбарияти?

БУ САВОЛГА ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ ХЎЖАЛИК ИШИ БЎЙИЧА ЧИҚАРИЛГАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИДА ТАДБИРКОР, ДЕЯ ЖАВОБ ҚАЙТАРИЛДИ

**Биродар КИМСАН**

Қўқон шаҳридаги «Ёғду» хусусий корхонаси раҳбари А.Абдулаев Қўқон суперфосфат заводи маъмурияти томонидан унга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилаётгани, тадбиркорга тегишли бўлган ишлаб чиқариш ускуналарига Қўқон суперфосфат заводи эга чиқаётганини таъкидлаб, ушбу масалани ойдинлаштиришда ёрдам сўраб таҳририятга мурожаат қилган эди...

2013 йилнинг 2 февраль куни Фарғона вилоят хўжалик суди ана шу низоли ишни қайта кўриб чиқиб, тадбиркор даъвосини қондириш тўғрисида қарор чиқарди.

Ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун ана шу низоли ҳолатни келтириб чиқарган омилларни чуқурроқ таҳлил этсак:

1997 йилнинг 12 майида «Ёғду» фирмаси ва Қўқон суперфосфат заводи ўртасида ҳамкорликда карбид-кальций ишлаб чиқариш юзасидан шартнома имзоланиб, унга кўра, завод томонидан умумий майдони 450 кв. метр бўлган 809 600 сўмлик бино ва 190 400 сўмлик пул маблағи, «Ёғду» томонидан эса 4 млн. сўмлик асбоб-ускуна ва техник жиҳозлар киритилади. 1997 йил 31 декабригача белгиланган шартномадаги шартлар иккала тарафни қондиргани боис ҳамкорлик давом эттирилаверади.

Биргаликдаги фаолият натижасида эса турли маҳсулотлар, хусусан, суюқ шиша (жидкое стекло) ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Лекин кутилмаганда хусусий корхона ва завод маъмурияти ўртасида электр энергияси сарфи ва унинг тўловлари юзасидан келишмовчилик юзага келади. Шу ўринда Қўқон суперфосфат заводи директори Жаҳонгир Ҳасановнинг фикрларига эътибор қаратиш ниҳоятда муҳимдек туюлади. Унинг таъкидлашича, «Ёғду» ишлаб чиқараётган маҳсулот жуда катта миқдорда электр энергияси сарф этилишига олиб келаётгани боис тадбиркорга алоҳида электр ҳисоблагич ўрнатиш тавсия этилган. Ж.Ҳасанов айни пайтда бу масалада тадбиркор томонидан ўғирлик ҳолатлари мавжудлиги, тадбиркор белгиланган тартибда электр ҳақини тўласа, ҳеч қандай муаммо бўлмаслигини таъкидлайди.

Аммо журналистик текширув давомида бу мулоҳазалар унчалар ҳақиқатга яқин эмаслиги маълум бўлди.

Аниқланишича, ушбу масала, яъни электр энергиясининг ортиқча сарфлангани ва ўғирлик ҳолатлари юз бергани хусусидаги фикрлар пайдо бўлгач, махсус комиссия тузилиб, унинг хулосаларида бу фикр ўз тасдиғини топмагани хусусида далолатнома тузилади.

Энг қизиғи, 2011 йилнинг 30 мартида имзоланган ана шу ҳужжатга комиссия аъзолари қаторида Қўқон суперфосфат заводининг бош энергетиги вазифасини бажарувчи И.Эгамов, заводнинг Энерго участкаси устаси А.Ҳакимовлар ҳам имзо чекадилар. Хўш, бундай ҳужжат мавжудлигидан завод раҳбарияти бехабармиди? Йўқ, албатта.

Юқоридаги воқеадан кейин «Ёғду» улуш сифатида киритган асбоб-ускуна ва жиҳозларини олиб чиқиб кетишга қарор қилади. Аммо завод раҳбарияти бунга тўсқинлик қилиб, ушбу асбоб-ускуна ва жиҳозларга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб этади.

Шу сабабли «Ёғду» раҳбарияти 72 турдаги мол-мулк (асбоб-ускуна ва жиҳозлар)ни ўзга шахснинг ноқонуний эгалигидан олиб бериш ҳамда 49 826 143 сўм моддий ва 10 000 000 сўм маънавий зарар ундириш юзасидан судга мурожаат қилади. Аммо, негадир, биринчи инстанция суди даъвони қисман қаноатлантириб, тарафлар 1997 йилдан бери шартномавий муносабатда бўлганликлари, шартномалар бўйича даъвогар биргаликдаги фаолиятни юритиш учун улуш сифатида асбоб-ускуна ва жиҳозларни киритганлигига тегишли ҳуқуқий баҳо бермайди. Энг қизиғи эса биргаликдаги фаолиятни ушбу асбоб-ускуна ва жиҳозларсиз олиб бориш мумкин ёки мумкин эмаслиги масаласига аниқлик киритмайди.

Юқоридагилардан аёнки, ишни кўриб чиқиш жараёнида суд иш учун ниҳоятда аҳамиятли ҳолатларни аниқламай, қонун нормаларини нотўғри қўллайди ва низо бўйича ноқонуний қарор қабул қилади.

Фақатгина Олий Хўжалик суди раёсатининг 2012 йил 30 августдаги қарори билан иш қайта кўриб чиқиш учун Фарғона вилоят хўжалик судига қайтарилди.

Шу ўринда бир масалага алоҳида тўхталиш жоизга ўхшайди. Айни пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, улар учун турли имтиёз ва преференциялар берилаётгани, Президент фармонлари ва қарорларида, шунингдек, Олий Мажлисда қабул қилинаётган аксарият қонунларда ҳам устуворлик тадбиркорлик субъектларига берилаётгани барчамизга яхши маълум. Водийда жуда катта салоҳият ва имкониятга эга бўлган Фарғонада ҳам вилоят ҳокимлиги томонидан бу борада салмоқли ишлар олиб борилаяпти. Хусусан, янги иш ўринлари яратиш, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш учун барча имкониятлар ишга солинаяпти. Бу жараёнда тадбиркор ва фермерлар, кичик бизнес субъектларига энг қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Айниқса, 2012 йилда бу масалага барча мутасадди ташкилотлар, туманларда фаолият олиб бораётган катта-кичик корхоналар жалб этилиб, минг-минглаб янги иш ўринлари очилди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи вилоят ҳокимлигининг деярли барча тадбирларида асосий масалага айлангани боис ҳудудда саноат, савдо, қурилиш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий секторнинг улуши кескин ортди.

Ана шундай бир пайтда Қўқон суперфосфат заводи раҳбариятининг ўзига хос «қайсар»лиги оқибатида «Ёғду» хусусий корхонаси фаолияти тўхтатилди. Хусусий корхона мутахассисларининг фикрича, агар корхона ўз фаолиятини тўхтатмаганида, ана шу давр мобайнида давлатга 128 млн. сўмлик солиқ тўланган, 2011-2013 йилларга мўлжалланган маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 350 тонна карбид-кальций ишлаб чиқарилган бўларди. Бундан ташқари корхона 225 млн. сўм соф фойда олиши мумкинлиги тилга олинаяпти. Энг асосийси эса бу ҳолат 41 нафар ишчи-хизматчининг 74 млн. сўмлик иш ҳақини йўқотишига ҳам олиб келган.

Тўғри, Фарғона вилоят хўжалик суди томонидан ҳақиқат қарор топтирилди. Аммо бу билан йўқотилган имконият, бой берилган фойда, давлатга тўланиши мумкин бўлган солиқлар ўрни қопланиб қолмайдику! Агар биринчи инстанция суди «Ёғду» хусусий корхонасининг 1997 йилдан буён фойдаланаётган ҳужжатларини, судга тақдим этган баённома, шартнома нусхаларини жиддийроқ кўриб чиққанида, балки юқоридагидек ҳолат рўй бермасмиди?!

## Қутлов

**Оқдарё йўл-хўжалик пудрат таъмирлаш ва фойдаланиш корхонаси жамоаси**

сиз, қадрдонларимизни
кўҳна байрамлардан бири —

**НАВРЎЗИ ОЛАМ**

**билан самимий муборакбод этади.
Юрт келажаги, миллат бахт-саодати йўлидаги хайрли интилишларингизга омад ва барака тилаймиз.
Байрам қувончи доимо ҳамроҳингиз бўлсин, азизлар!**



«XXI ASR»
2013 йил 28 март,
пайшанба,
12 (488)-сон

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

# Сўнгги саҳифа

## Ўзбекистон ҳамон биринчи ўринда

2014 ЙИЛ БРАЗИЛИЯДА ЎТАДИГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ САРАЛАШ БОСҚИЧИ ДОИРАСИДА ЛИВАН ТЕРМАСИНИ 1:0 ҲИСОБИДА МАҒЛУБ ЭТГАН МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВ МУРАББИЙЛИГИДАГИ МИЛЛИЙ ЖАМОАМИЗ СЎНГГИ КВАЛИФИКАЦИОН РАУНДНИНГ «А» ГУРУҲИДАГИ ПЕШҚАДАМЛИГИНИ САҚЛАБ ҚОЛДИ

**Убайдулло ҲАМИДОВ**



Таъкидлаш жоиз: мазкур ўйин терма жамоамизнинг аввалги учрашувларидан нафақат ўзбекистонлик миллионлаб мухлисларда, балки кўплаб хорижлик ишқибозлару мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотгани билан ажралиб турди. Зеро, мазкур беллашувга қадар «ЖЧ-2014» саралаш босқичи турнир жадвалида етакчилик қилаётган жамоамизнинг «Осиё кубоги-2015» мусобақасидаги ишлари (дастлаб Гонконг билан 0:0 ҳисобда дуранг ўйнаган вакилларимиз 22 март куни БААга 1:2 ҳисобида енгилган эдилар) юришмаганди. Қолаверса Ўзбекистон-Ливан учрашуви биринчи расмий ўйинни қабул қилган янги — «Бунёдкор» стадионида бўлиб ўтгани ҳам футболчиларимизга қўшимча босим юклади, десак муболаға бўлмайди.

Ўйинга келсак, гарчи футболчиларимиз биринчи бўлимда дарвоза томон зарба бериш, бурчак тўпларини амалга ошириш каби статистик кўрсаткичларга кўра рақибларидан устун келган бўлсалар-да, ливанлик ҳимоячиларнинг тартибли ўйинлари эвазига бундай устунлик ҳисобда акс этмади.

Иккинчи бўлимнинг дастлабки дақиқаларида эса кутилмаганда Ливан терма жамоаси Игнатий Нестеров дарвозаси томон бир нечта хавфли «рейд»лар уюштирди. Шундан кейингина футболчиларимиз рақиб ҳимоя чизиғининг бўшаб қолган ҳудудлари орқали қарши ҳужумлар ташкил эта бошладилар. Айнан ана шу ҳаракатлар, шунингдек, майдонга Олег Зотеев ва Фарҳод Тожиевнинг туширилиши охироқибат ўз самарасини берди. 64-дақиқада Сервер Жепаровнинг жарима майдончаси ташқарисидан йўллаган алдамчи зарбасидан сўнг тўп ниҳоят Ливан терма жамоаси дарвозасидан жой олди. Кейинги дақиқаларда Ўзбекистон миллий терма жамоасида бир қатор қулай имкониятлар юзага келган бўлсада, ҳисоб ўзгармай қолди.

«А» гуруҳининг шу куни ўтказилган иккинчи учрашувида Қатар термасини ўз майдонида қабул қилган Жанубий кореяликлар жамоаси учрашувнинг ҳакам томонидан қўшиб берилган еттинчи (!) дақиқасида киритилган гол эвазига 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, очколари сонини 10 тага етказдилар.

«ЖЧ-2014» саралаш босқичнинг охирги учта ўйинини бир хил, яъни 1:0 ҳисобдаги кичик, аммо муҳим ғалабалар билан якунлаётган терма жамоамиз эса айни пайтда 11 очко билан гуруҳ пешқадамлигини сақлаб қолди. Тўғри, Миржалол Қосимов қўл остидаги футболчилар кетма-кет қимматли очколарни қўлга киритган ҳолда Бразилия томон яқинлашмоқдалар. Аммо тан олиш даркор: сўнгги ўйинларда терма жамоамизда ҳужум чизиғини кучайтириш, таркибни ёшартириш каби ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор муаммолар борлиги тобора яққолроқ кўзга ташланаяпти. Умид қиламизки, бош мураббий кейинги ўйинларгача ана шундай камчиликларни ҳам бартараф этиб, ўзбек футболи ихлосмандларининг кўп йиллик орзуларини рўёбга чиқаради.

Эслатиб ўтамиз: мазкур квалификацон баҳсларнинг 4 июнь куни ташкил этиладиган 8-турида дам оладиган Ўзбекистон терма жамоаси навбатдаги учрашувини кореяликларга қарши ўтказади. Ўйин 11 июнь куни Сеулда бўлиб ўтади.



**— Чиройли ғалаба билан барча юрдошларимизни табриклаб, стадионга бизни қўллаб-қувватлаш учун ташриф буюрган мухлисларга ўз миннатдорлигимни билдираман, — деди учрашувдан сўнг М.Қосимов.**

**— Ўзингизга маълум, бундай ўйинларда ғалаба қозониш осон эмас. Аммо бахтимизга ҳаммаси режамиз бўйича борди. Биринчи бўлимдаги асосий вазифамиз Ливаннинг хавфли ва тезкор қарши ҳужумларига имкон бермаслик эди. Иккинчи бўлимда эса ҳужумкорликни ошириб, керакли натижани қўлга киритдик. Умуман олганда, бугун йигитларимиз бор кучлари билан, бутун борлиқлари билан майдонда ҳаракат қилишди. Навбатдаги муҳим ўйинларгача уларнинг жисмоний ҳолати бугунгидан ҳам яхшироқ бўлади, деб ўйлайман.**

### ЖЧ-2014. САРАЛАШ БОСҚИЧИ. «А» ГУРУҲИ

| | Ў | F | Д | М | Т-н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. ЎЗБЕКИСТОН** | **6** | **3** | **2** | **1** | **6-4** | **11** |
| 2. Ж.Корея | 5 | 3 | 1 | 1 | 11-5 | 10 |
| 3. Эрон | 5 | 2 | 1 | 2 | 2-2 | 7 |
| 4. Қатар | 6 | 2 | 1 | 3 | 4-7 | 7 |
| 5. Ливан | 6 | 1 | 1 | 4 | 2-7 | 4 |

*26 март. Ўзбекистон-Ливан-1:0, Жанубий Корея-Қатар-2:1.*
*4 июнь. Ливан-Жанубий Корея, Қатар-Эрон.*

## ХОРВАТИЯ, УРУГВАЙ ВА ОКЕАНИЯ БИЛАН БИР ГУРУҲДАМИЗ

**25 март куни Истанбул шаҳрида жорий йилнинг 21 июнь-13 июль кунлари футбол бўйича Туркияда ўтказиладиган ёшлар (U-20) ўртасидаги жаҳон чемпионатининг финал босқичига қуръа ташланди. Унга кўра, Аҳмаджон Мусаев шогирдлари дастлабки босқичда Европа, Жанубий Америка ва Океания вакиллари билан беллашадиган бўлдилар. Хусусан, «F» гуруҳидан ўрин олган ёшларимиз 23 июнь куни Янги Зеландия ёки Фижи ороллари (Океания минтақаси саралаш баҳсларининг ғолиби 29 март куни аниқланади) футболчиларига қарши тўп сурсалар, 26 июнда Хорватия ёшлар терма жамоасига рўбарў бўладилар. 29 июнь куни эса ҳамюртларимиз ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Америка кубогининг вице-чемпиони — Уругвай терма жамоаси билан беллашадилар.**

**6 гуруҳга бўлинган 24 та иштирокчи-давлат қатнашадиган мусобақанинг кейинги — плей-офф босқичига ўз гуруҳида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган 12 та терма, шунингдек, учинчи поғоналарни банд этган энг яхши 4 та жамоа йўл олади. «F» гуруҳи учрашувлари Бурса ва Анталия шаҳарларида бўлиб ўтади.**



## УССУРИ ЙЎЛБАРСЛАРИ — ТОШКЕНТДА

**20 мартдан бошлаб Тошкент циркида «Уссури йўлбарслари» номли янги дастур намойиш этила бошланди.**

**Баҳорги таътилга чиққан ўқувчилар таниқли ҳайвон ўргатувчи А.Хусинов томонидан тайёрланган антиқа ва кишиии ҳайратта солувчи томошаларга гувоҳ бўлдилар. Шу ўринда мазкур дастур доирасида манежга, шунингдек, Ўзбекистон халқ артисти Х.Зарипов бошчилигидаги чавандозлар, Н.Алиев қўл остидаги эпчил дорбозлардан иборат гуруҳлар ва бошқа цирк усталарининг ҳам чиққанини айтиб ўтиш жоиз.**

**«Уссури йўлбарслари»нинг намойиши 31 мартга қадар давом этади.**

Дилафрўз ОЛИМЖОНОВА тайёрлади.

**Футбол ўйини кетмоқда. Шарҳловчи одатдагидек жуда тез гапирмоқда:**
**— Зарба, тўп Тожиевда, чап томондан айланиб ўтиб, жарима майдонига кириб келди, зарба, аттанг, — штанга! ..**
**Шу пайт эшик очилиб, ҳансираганча мураббий кириб келди:**
**— Сал секинроқ, илтимос, йигитларимиз улгуришмаяпти...**
**Ҳазил чекинишимиз футбол ихлосмандларини ранжитмади, деб умид қиламиз. Чунки биз сешанба куни гувоҳи бўлган Ўзбекистон-Ливан ўйинида (1-0) бундай ҳолат кузатилган бўлса-да, бу ғалаба қозонишимизга халақит қилмади.**




Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, **28** март-**4** апрель кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгарувчан бўлиши кутилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, республикамизда **30-31** март кунлари ёғингарчилик бўлиши, тоғли ва тоғолди ҳудудларда қор кўчиш, сел келиш хавфи бор. Шамол ғарбдан **7-12** м/с тезликда эсади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси **29-30** мартда **5-10** даража илиқ, **31** март-**1** апрелда **2** даража совуқ-**3** даража илқгача пасайиб, кундузи **20-25** даража илиқдан **7-12** даража илиқгача ўзгариб туради. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кечаси ва эрталаб баъзи жойларга туман тушади. Ҳарорат кечаси **2-7**, кундузи **20-25** даража илиқдан **10-15** даража илиқгача пасайиши кутилмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси **8-13**, кундузи **29-30** март кунлари **23-28**, ҳафтанинг охирига бориб **13-18** даража илиқгача пасаяди. Республикамизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси **7-12**, кундузи **29-30** мартда **20-25**, **31** март-**1** апрелда эса **8-13** даража илиқгача пасайишини кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳарорат кечаси **2-7**, кундузи **20-25** даража илиқдан **10-15** даража илиқгача пасайиши кутилмоқда Тоғли ҳудудларда **30-31** март кунлари ёмғир (қор) ёғиши мумкин. Ҳарорат кечаси **29-30** мартда **2-7** даража илиқ, **31** март-**1** апрелда **2** даража совуқ-**3** даража илқгача пасаяди, кундузи **2-7** даража илиқ бўлиши кутилмоқда.

# ХАБАРЛАР

## ҚАШҚАДАРЁ МАЙИЗИ — ЭКСПОРТГА

2013 йили Қашқадарё вилоятида узумчиликни ривожлантириш мақсадида алоҳида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, жорий йилда 104,9 минг тонна, яъни ўтган йилдагидан 38,4 минг тонна кўп узум етиштириш кўзда тутилган.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ғанишер Ибрагимовнинг таъкидлашича, бу йил янги токзорларга 569 минг дона ниҳол экилаяпти. Мавжудларини яшартириш ҳисобига эса 763 гектар майдонга 960 мингта кўчат ўтқазилмоқда. Асосий эътибор хўраки, кишмиш ва бошқа саноатбоп навларга қаратилиб, жойларда маҳсулотни қайта ишлайдиган кичик цехлар ташкил этиладиган бўлди.

**Сайфулла ИКРОМОВ.**

## ЭНДИ PANASONIC ТЕЛЕВИЗОР ЧИҚАРМАЙДИ



Япониянинг Panasonic компанияси келгуси 3 йилда плазмали телевизор ва панеллар ишлаб чиқаришни тўхтатмоқчи.

Маълумотларга кўра, мазкур гигант компания минг нафар ходими билан имзоланган шартномаларни ҳам бекор қилмоқчи.

Мутахассислар буни компания Samsung ва LG билан рақобатлаша олмаётгани билан изоҳлашмоқда. Шу билан бирга, компаниянинг Амагасаки шаҳридаги плазмали панеллар ишлаб чиқарувчи заводи ҳам яқин кунларда ўз фаолиятини тўхтатиши мумкин. Қайд этиш керак: 2009-2010 йилларда компаниянинг 10,6 миллиард долларлик маҳсулоти сотилган, аммо ҳозирга келиб бу кўрсаткич 60-70 фоизгача тушиб кетган.

## ТЕЛЕФОН УЧУН 8 ЯДРОЛИК ПРОЦЕССОР

Жанубий Кореянинг Samsung Electronics компанияси янги GALAXY S IV мобил телефон моделини ишлаб чиқарди. 13 мегапиксель камера ва 64 гигабайт хотирага эга ушбу смартфонга Android 4.2.2 операцион тизими ўрнатилган. Янги модель 4.99 дюймли SUPER AMOLED Full HD энг юқори равшанликка эга экран ва big.LITTLE дастурида ишлай оладиган саккиз ядролик Exynos 5 Octa процессори билан жиҳозланган.

Мазкур «ақлли» телефоннинг апрель ойида 2 хил — Black Mist (хира қора) ва White Frost (қировли оқ) рангларда сотувга чиқиши ва 100 миллион донагача ишлаб чиқарилиши маълум қилинмоқда.

**Равшан ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

**Реклама**



Ўзбекистондаги кимё корхоналари орасида етакчилардан ҳисобланган
**«NAVOIYAZOT»**
очиқ акциядорлик жамияти ўзининг 60 дан зиёд маҳсулот турларини харидорларга тақдим этади:

*Минерал ўғитлар (аммиакли селитра, азот-фосфорли ўғит, хлорли аммоний, аммоний сульфати, калийли ўғит ва сувли аммиак).
*Саноат кимёси ва нефт-кимё (суюқ аммиак, метанол, формалин, уксусли альдегид, суюқ хлор, гипохлорит натрий, акрил кислотаси нитрили, акрил кислотасининг метилли эфири, хлорли кальций, уротропин, хлорид натрийси, ацетон)
*Текстиль материаллари (нитрон — полиакрилонитрил толаси, полиакрилонитрил йигирилган ип, игна орқали тайёрланган газлама, фильтрация учун ишлатиладиган пахтадан тайёрланган газлама)
*Тоғ-кон ва нефтегаз саноати учун кимё реагентлари («Унифлок» препарати, ПАА-ГС флокулянти, полиакриламид-гель, сувда эрувчи «К-4» полимери, цианистийли натрий, тиомочевина)
*Кислоталар (истеъмол сирка кислотаси, хлорид кислотаси, уротропин билан ингибирланган хлорид кислотаси)
*Техник газлар (пиролизли ацетилен, кислород, аргон, углерод диоксиди, азот)
*Қатрон ва полимерлар («КФ-МТ-15», «КФ-Ж» турдаги карбамидформальдегид қатрони, «КС-11» турдаги карбамидли қатрон, акрил эмульсияси)

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навоий-5
Сайт: www.navoiyazot.uz, e-mail: office@navoiyazot.uz, факс: (436)223-75-80
Телефон рақамлари:
Маркетинг бўлими — (436)229-29-99; e-mail: market@navoiyazot.uz
Сотув бўлими — (436)229-25-34; e-mail: sales@navoiyazot.uz
Экспорт бўлими — (436)229-20-54; e-mail: oves@navoiyazot.uz

*Товарлар сертификатланган!*



**Реклама**

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!
«ARSH SAVDO-ELIT» МЧЖ
ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Аукцион савдосига «Андижоннефт» ОАЖнинг ижроия органи аъзоларининг 07.01.2013 йилдаги йиғилиш баёнига ва «Андижоннефт» ОАЖ бошқарув раисининг 22.03.2013 йилдаги 16-464-сонли алоқа хатига асосан Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 97-уйда жойлашган «Андижоннефт» ОАЖга қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.**

— 1982 йилда ишлаб чиқарилган «Зил-131» русумли давлат белгиси 50973 DAA бўлган махсус юк автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси 5926 345 (беш миллион тўққиз юз йигирма олти минг уч юз қирқ беш) сўм;**
— 1988 йилда ишлаб чиқарилган «Газ-53» русумли давлат белгиси 40467 BAA бўлган махсус автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси 6942 217 (олти миллион тўққиз юз қирқ икки минг икки юз ўн етти) сўм.**

Аукцион савдоси 2013 йил 29 апрель куни соат 11. 00 да, ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2013 йил 1,3,6,8,10 май кунлари соат 11.00 да Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 30-уй, 107-хонада бўлиб ўтади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 % миқдорида гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар бўлимининг 20208000904456131001 ҳисоб рақамига МФО: 00074, ИНН: 205987298 тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) ва аукцион савдоси ўтказилишидан 1 (бир) соат олдин 10.00 га қадар Андижон шаҳри, А.Навоий кўчаси, 30-уй, 107-хонада қабул қилинади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар жамият Низоми ва таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиши лозим.

**Манзил: «ARSH SAVDO-ELIT»МЧЖ Андижон шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 30-уй, 107-хона**
**Қўшимча маълумот учун телефон рақамлари (+99891) 606 -88-81, (+99890) 269-88-81.**
**Хизматлар лицензияланган. Гувоҳнома № 00126**

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Носир ТОШЕВ, Ориф ЎЛМАСОВ, Янгибой КЎЧҚОРОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.
БЎЛИМЛАР: Котибият – 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими – 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими – 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими – 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими – 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Буюртма рақами: J 6754. Тираж: 24 714
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
О.РАЖАБОВ, Ж.ЖЎРАЕВ.